

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2015 № 2 (119)

1995 йилдан чиқа бошлаган

БОШ МУҲАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ

Светлана АРТИКОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг
2004 йил 17 декабрдаги
110/4-сонли қарорига
асосан ҳуқуқий, илмий-
амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 25.05.2015 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.
Адади: 6465 нусха.
Буюртма № 30.

МУНДАРИЖА

2. **О.ҲАЙИТОВ, Т.МЕЛИБОЕВ.**
Уй қамоғи эҳтиёт чораси
6. **Ғ.ҲИДОЯТОВ.**
*Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
кафолатли ҳимоясини таъминлаш йўлида*
10. **Х.ЁДГОРОВ.**
*Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриш:
суд амалиёти ва қонунчилик*
13. **О.ОҚЮЛОВ.**
Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик
17. **З.РЎЗИЕВ.**
Такмиллашаётган қонунлар моҳияти
20. **Ш.АБДУҚОДИРОВ.**
Судланганлик ҳолати ва унинг ҳуқуқий оқибатлари
22. **А.ХАЙРУЛЛАЕВ.**
Жиноят қонунини либераллаштириш
25. **Н.АКБАРОВ.**
Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларининг беш тамойили
29. *Суд амалиёти*
37. *Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий
малака ҳайъати қарорлари билан қўйидаги судьяларга
малака даражалари берилди*
40. **Д.ПАЙЗИЕВА.**
Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи

СОДЕРЖАНИЕ

44. **К.ИСМАИЛОВ.**
*Основы реализации социально-правовых гарантий
несовершеннолетних в Республике Узбекистан*
46. **Х.АРТЫКХОДЖАЕВА.**
*Вопросы расширения применения института
«Хабеас корпус»*
49. **С.ЧУРЯКОВА.**
*Отдельные вопросы процессуального положения
прокурора на досудебной стадии уголовного процесса*
53. **Г.АХМЕДОВА.**
К вопросу освобождения женщин из мест лишения свободы

Мамлакатимизда тарихан қисқа даврда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Уй қамоғи эҳтиёт чораси

уни қўллашнинг қонуний асослари тўғрисида

Олимжон ҲАЙИТОВ,
Тальятжон МЕЛИБОЕВ,
Олий суд судьялари

Бу ҳақда сўз борганда, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ, процессуал мажбурлов чоралари тизимида янги, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилгани тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу йўналишда, шунингдек, уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини белгилаш бўйича Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма кўрсатмаси ҳам қабул қилинди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддасига кўра, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш

учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратилган ҳолда, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шу билан бирга унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, тиббий муассаса ҳам уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи эҳтиёт чорасини танлашга гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ҳар бири ёки

уларнинг мажмуи асос бўлади.

Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

1) муайян шахслар билан алоқада бўлиш;

2) хат-хабар олиш ва жўнатиш;

3) ҳар қандай алоқа воқитларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;

4) уй-жойни тарк этиш.

Ўзига нисбатан уй қамоғи қўлланилган шахс барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин. Қонунда белгиланган тақиқлар (чекловлар) қатъий бўлиб, улардан ташқари қўшимча тақиқларни (чекловларни) қўллашга йўл қўйилмайди.

Муайян шахслар билан алоқада бўлишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик мақсадида, иш ҳолатларидан ке-

либ чиқиб, шу ишнинг бошқа иштирокчилари ёки шу каби бошқа шахслар билан бевосита ва билвосита учрашиш ва гаплашишга ёхуд ёзишмалар амалга оширишига тақиқ қўйилишидир.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳар қандай хат-хабарни, яъни почта-телеграф, факс орқали жўнатмалар, ўзаро хат-ёзишмалар, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва бошқа электрон шаклдаги хабарларни қабул қилиши ёки жўнатиши чекланишида кўринади.

Ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига алоқа воситалари орқали сўзлашувларни, почта-телеграф, факс жўнатмаларини, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва шу каби бошқа электрон шаклдаги ёзишмаларни амалга оширишни тўлиқ тақиқлаш, демасдир.

Уй-жойни тарк этишга тақиқ ўрнатилганда эса, шахснинг уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташ жойидан чиқишига суд ажрими билан тўлиқ ёки қисман тақиқ қўйилади. Бу борада қисман тақиқ ўрнатилганда, уй қамоғи қўлланилган шахсга ўқиш ёки иш жойига боришига ёхуд кундалик турмуш масалаларини ҳал этиши учун куннинг маълум пайтида уй қамоғи қўлланилган жойдан ташқарига чиқишига рухсат берилади.

Ушбу тақиқлар (чекловлар)ни ўрнатишда бир қатор муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Авалло, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш каби тақиқ ва чекловлар доирасига уй қамоғи қўлланилган турар жойда гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга яшаб турган шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, уй қамоғи қўлланилган жойда эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан истиқомат қилувчи шахслар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан ўрнатилган тақиқларнинг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларни содир этиши мумкин эмаслиги тўғрисида уй қамоғи қўлланилишидан олдин огоҳлантирилиб, бу ҳақда уларнинг ёзма розилиги олинади.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга нисбатан ўрнатилган тақиқ доирасига уй қамоғи қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан пенсия ва ижтимоий тўловлар, суғурта бадаллари ва шу каби бошқа тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, соғлиқни сақлаш, суриштирув ва тергов органлари, судлар, суд ижрочилари билан боғлиқ хат-хабарлар киритилмайди.

Шу билан бирга, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувларига тақиқлар ўрнатилмайди.

Судлар томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални иш юритувига қабул қилишда ва

кўриб чиқишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- тергов идораси томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришдан олдин эҳтиёт чорасини ўташ назарда тутилаётган турар жой юзасидан тўлиқ маълумот тўпланганлиги;

- гумон қилинувчи ёки айбланувчининг турар жойда яшашга бўлган қонуний ҳуқуқлари текширилганлиги;

- ушбу турар жойдан келгусида уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташ жойи сифатида фойдаланишга турар жой мулкдори ва унда истиқомат қилаётган шахсларнинг ёзма розилиги олинганлиги;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини тиббий муассаса ёки махсус уйларда қўллаш назарда тутилганда тиббий муассаса вакилининг ёки уй-жой ихтиёрида бўлган ваколатли шахснинг бунга ёзма розилиги олинганлиги ва сақлаш шароитлари ўрганилганлиги;

- агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилинганлиги;

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорнинг белгиланган талабларига тўлиқ мувофиқ келиши.

Суд томонидан эҳтиёт

чораси сифатида уй қамоғини қўллаш ҳақидаги ажримда шахсга нисбатан қўлланилаётган чекловларнинг тури ва доираси аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига ўқиш ва иш жойига бориб келиш ва бошқа шу каби ҳолатларда турар жойдан ташқарига чиқишга рухсат берилганда ҳам уларнинг вақти аниқ кўрсатилиши лозим.

Уй қамоғи қўлланилган шахсга иш ва ўқиш вақтида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойидан ташқарида бўлишга рухсат берилганда, ички ишлар органлари зиммасига иш ва ўқиш жойи маъмурияти билан ҳамкорликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг меҳнат қилиш ва таълим олиш қоидаларига риоя этишини таъминлаш мақсадида унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш юклатилиши мумкин.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномада назарда тутилган тақиқлар тури ва доирасини қисқартириши мумкин. Аммо суд илтимосномада кўрсатилмаган тақиқлар турлари ва доирасини белгилашига, шунингдек, илтимосномада қўлланилиши сўралмаган тақиқни бошқа турига ва доирасига ўзгартиришига йўл қўймайди.

Гумон қилинувчининг дастлабки қамоқда ушланган ҳамда айбланувчининг уй қамоғида сақланган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланган тартибда кейинчалик суд томонидан тайинланган

жазо муддатига киритилди.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримида қуйидагилар, яъни:

- шахс қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлиги;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашда танланган тақиқларнинг тури ва доираси, уларни танлаш асослари;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш назарда тутилаётган турар жой фуқароларнинг вақтинча ёки доимий яшашлари учун мўлжалланганлиги ҳамда белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб беришига доир маълумотлар;

- турар жой (тиббий муассаса, махсус уйлар) манзили, мулкдори ва ушбу уйда истиқомат қилаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

- турар жойда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яшаши учун қонуний асослар мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлар;

- турар жой мулкдорининг (тиббий муассаса ёки махсус уйлар вакилининг) ва унда яшаётган шахсларнинг турар жойдан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ учун фойдаланишга розилик берилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

- уй қамоғи эҳтиёт чораси муддатининг бошланиши ва тугаш санаси;

- уй қамоғи эҳтиёт чораси ижросини назорат қилувчи ва таъминловчи орган номи каби маълумотлар қайд этилиши шарт.

Шу билан бирга, бу бо-

радаги суд ажримида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига муайян шахслар билан алоқада бўлишга тақиқ ўрнатилганда, ушбу шахслар ҳақидаги маълумотлар, уй қамоғи қўлланилган шахсга техник кузатув воситалари қўлланилиши лозим деб топилганда, техник кузатув воситаси тури қайд этилиши ўринлидир.

Қолаверса, уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланган соғлиқни сақлаш муассасаларида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг стационар тартибда даволанишга муҳтожлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ҳамда даволаниш тамомланганидан кейин эҳтиёт чорасини ижро этиш давом эттириладиган турар жойнинг манзили ҳам суд ажримида кўрсатилиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги процессуал мажбурият чораси қўлланганида, тергов органи бу ҳақда унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда унинг иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши, уй қамоғига жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига йигирма тўрт соат ичида хабар бериши шарт.

Ишни судга қадар юри-

тиш босқичида қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин уй қамоғида бўлиши учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида ажрим чиқарган судни хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши айнан ўша шахсга нисбатан ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран мурожаат этишга монелик қилмайди.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи соғлиги ҳолати юзасидан соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, ички ишлар идораси зудлик билан бу ҳақда жиноят иши иш юритувида бўлган тергов органи ёки судни хабардор қилади.

Уй қамоғидаги шахснинг даволаш учун ётқизилгани ҳақида хабар келиб тушганда, ички ишлар идораси дарҳол соғлиқни сақлаш муассасасини бу шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани тўғрисида хабардор қилиб, процессуал ҳужжатлардан нусха тақдим қилади. Бироқ дастлабки тергов органи ёки суд эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини қонунда назарда тутилган тартибда ҳал этгунига қадар, эҳтиёт чораси бўйича ўрнатилган тақиқларнинг амал қилиши давом эттирилади.

Уй қамоғидаги шахс со-

ғлиқни сақлаш муассасасига ётқизилганидан сўнг шахсни стационар даволашга муҳтожлигига аниқлик киритиш мақсадида суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, экспертиза натижасига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс даволашга муҳтож эмас деб топилган ҳолларда, шахс уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўтаётган манзилга қайтарилади.

Суд-тиббиёт экспертизаси уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини турар жойда ўтаётган шахснинг стационар тартибда даволашга муҳтожлиги ҳақида хулоса берса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташни соғлиқни сақлаш муассасасида давом эттириши тўғрисида прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан қарор чиқарилади. Бу эҳтиёт чораси суднинг иш юритувидаги иш бўйича қўлланилган ҳолларда эса, судья томонидан қўшимча ажрим чиқарилади.

Соғлиқни сақлаш муассасасига юборилган шахс даволаниб, унинг бундан кейин стационар тартибда даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақида соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан маълумот тақдим этилган ҳолларда, терговчининг қарори ёки судьянинг қўшимча ажрими билан шахсга нисбатан қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ижроси турар жойда давом эттирилиши белгиланади.

Айтиш керакки, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан эҳтиёт чораси-

нинг шартлари бузилганлиги ҳақида ички ишлар органидан ёзма хабарнома олинганида, хабарноманинг асослилиги ва шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилганлиги тергов органи ёки суд томонидан текширилади.

Хабарноманинг асослилигини текшириш натижасига кўра, тергов органи томонидан, биринчидан, эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилиб, уй қамоғи қўлланилган шахсни топиш мақсадида унга нисбатан қидирув эълон қилиш, иккинчидан, уй қамоғи эҳтиёт чорасини бекор қилиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш каби қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Суднинг иш юритувидаги жиноят иши бўйича уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганда ҳам тақдим этилган ёзма хабарнома юқоридаги каби қўшимча ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганида уй қамоғидаги шахс томонидан белгиланган тақиқ ва чекловларнинг бузилиши тегишли тартибда текширилганидан сўнг узрли деб топилиши мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, процессуал мажбурлов чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлиб, у айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кафолатли ҳимоясини таъминлаш йўлида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Файрат ХИДОЯТОВ,
Олий суд судьяси

Бу ҳақда сўз борганда, 2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешта қонун қабул қилинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, "**Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**", "**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**" (янги таҳрирда), "**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида**", "**Рақобат тўғрисида**", "**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**" ги қонунлар шулар жумласига киради.

Шунингдек, кейинги вақтда мамлакатимиз раҳбарининг миллий иқтисодиётда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигига мунтазам аҳамият бериб келаётгани бежиз

эмас. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, биринчи навбатда Конституциямизда муҳраб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш - биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан ана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва уларнинг ҳимояси учун кўп иш қилинди. Мулкдорларга зарур шароит ва кафолатлар бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Натижада бугун хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлиги-

ни кўрсатмоқда. Қолаверса, хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш тўфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ушбу масалага батафсил тўхталди. Бу борада, Юртбошимиз айтганидек, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбари парламент палатларининг жорий йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида депутатлар ва сенаторлар эътиборини яна бир бор бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қонунларимизда белгилаб қўйилган рағбатлантирувчи омиллар ва преференцияларнинг ишлаши билан боғлиқ масалаларга қаратди

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, бу борада ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўйбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз шу йил 15 майда имзо чеккан "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон айни шу йўналишда қабул қилинган навбатдаги муҳим дастурий ҳужжат бўлди.

Ушбу фармон хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармоясини иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутовчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, агар шахс Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни, яъни солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятни илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланганидан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва жавобгарликдан озод этилишини назарда тутув-

чи тартиб жорий этилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексига хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-тақсимот ва маъмурий-хўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш чоралари ҳам белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига ноқонуний равишда моддий мукофот олганлик (тижорат пораси), ваколатларини суиистеъмол қилганлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун нисбатан юмшоқроқ жазо чораларини назарда тутувчи алоҳида моддалар киритилади. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳолда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини янада кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкани мусодара қилиш, шунингдек, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Қўзғатилган жиноят ишлари доирасида назорат қилувчи органлар томони-

дан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширувлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган адвокатлар иштирокида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда. Албатта, хўжалик юритувчи субъект ёзма равишда мазкур ҳуқуқни рад этган ҳоллар бундан мустасно.

Дастурда барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, эндиликда қонунчиликда тадбиркорлик субъектлари учун кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишда турли ёзма аризалар билан мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ.

Ўзбекистон Республикаси товар-хонамашё биржасининг махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдолар орқали тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби соддалаштирилади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали узлуксиз амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилгани диққатга моликдир. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита — электрон шаклда амал-

га ошироқда.

Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган "бир дарча" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "бир дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур ҳужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг билдириш тартибини жорий этиш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари ва муддатларини оптималлаштириш ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини тақдим этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, шу ўринда жиноий жавобгарлигини жорий этиш муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Фармонда Бош прокуратура, Адлия ва-

зирлиги, Олий судга манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп маротаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизмини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси маъмурий ва жиноят қонунчилиқда ўз аксини топади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутадиган алоҳида XVI¹ бобни киритиш кўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, Жиноят кодексига ва бошқа қонунларга ҳам тегишли қўшимчалар киритилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, Ўзбекистон иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида, халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриш: СУД АМАЛИЁТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларидан биридир. Шунга биноан соҳада кечаётган ўзгариш ва янгиланишлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлигини ошироқда. Хусусан, судлар фаолиятининг тобора такомиллаштирилиши одил судловни қарор топтиришда муҳим омил бўлаётир.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Олий суд судьяси

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаатлар ва фуқаролик ишларининг қонуний кўриб, ҳал этилиши, суд томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарорнинг амалдаги қонун меъёрларига мос бўлиши инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди. Маълумки, фуқаролик ишларини кўриш тартиби ва муддатларини белгиловчи асосий ҳужжат — амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 39-бобида қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текши-

риш юзасидан нормалар белгиланган.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда, жумладан, суд хатоликларини бартараф этиб, ягона суд амалиётини жорий этишда мазкур нazorат институтидан кенг фойдаланилаётгани эътиборлидир. 2013 йилда 277 та, 2014 йилда 361 та фуқаролик иши нazorат инстанциясида кўрилиб, суд хатоликлари тўғриланини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугунги кунда фуқаролик иши апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилгач ёхуд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, бир йил, яъни кассация шикояти бериш муддати ўтгач, ишдаги тарафлар томонидан тааллуқлилиги бўйича дастлаб вилоят суди раислари ёки вилоят прокурорларига, кейинчалик Олий суд раиси ва ўринбосарлари ёки Бош прокурорга нazorат тартибида протест келтириш би-

лан боғлиқ мурожаатлар сони йил сайин ошиб бораяпти. Ишдаги тарафлар томонидан Олий судга 2013 йилда 10 минг 527 та, ўтган йили эса, 13 мингдан ортиқ нazorат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризалар берилган.

Амалдаги қонун талабига кўра, апелляция ва кассация инстанциясида фарқли равишда нazorат инстанциясида фуқаролик иши фақат киритилган протест асосида кўрилади. Яъни шикоят фуқаролик иши асосида ўрганилиб, масъул судья томонидан протест лойиҳаси тайёрланади ва тегишли мансабдор шахсга тақдим этилади.

Қачонки протест имзоланса, вилоят суди раёсати ёки Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан нazorат тартибида кўриб чиқилиб, нazorат инстанцияси томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 361-моддасида кўрсатилган ваколат доирасида муайян қарор қабул қилинади.

Суд қароридан норози

тараф вилоят прокуратура-сига ёки Бош прокуратурага мурожаат қилганида ҳам шикоят айнан шу тартибда ўрганилади ва лозим топилган ҳолда тегишли суднинг назорат инстанциясига протест киритилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 8-моддаси талабига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши лозим.

Фуқаролик ишида прокурор ва адвокат маълум бир тарафнинг манфаати юзасидан иштирок этади ва уларнинг фуқаролик процесси тарафи сифатида суд қарорларига нисбатан келтирган норозиликлари у хоҳ протест, хоҳ шикоят кўринишида бўлсин, бир хил процессуал тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ишларни назорат инстанциясида кўриш бўйича халқаро тажриба, процессуал қонунчилик бирмунча такомиллашган. Хусусан, Россия Федерацияси фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, назорат инстанциясида шикоят ва тақдимнома асосида, судья томонидан қабул қилинган ажримга кўра, иш чақирилиб, назорат инстанциясида суд процессида коллегиял тартибда (3 нафар судьядан иборат тартибда) кўриб чиқилади.

Ишларни назорат инстанциясида кўриш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиш киритиш тарафларнинг тенглигини таъминлаш билан бирга протест лойиҳасини тайёрлаш, имзолаш ва уни кўриш учун тайинлаш, кўриш

билан боғлиқ кўплаб ортиқча сансалорликларнинг олдини олади.

Маълумки, фуқаролик ишини чақириш лозим топилмаган барча ҳолатда шикоят бўйича амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси 5-қисмига кўра, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирилмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим.

Лекин мазкур жавоб процессуал ҳужжат ҳисобланмайди ва айни чоғда қуйи суд ҳал қилув қарори ёки вилоят суди ажрими асосида тайёрланиб, даъвони рад этиш ёки қаноатлантиришнинг ушбу суд қарорларида қайд этилмаган асосларини ушбу жавобда кўрсатиб бўлмайди.

Шунингдек, даъво талабини рад этиш ёки қаноатлантириш ҳақидаги қонуний асослантирилган суд қарорлари тарафнинг қўлида мавжудлигидан келиб чиқсак, назорат тартибида асослантирилган жавоб беришнинг ҳожати йўқ. Тарафга қуйи суд қарорларининг қонунийлигини тушунтириш ҳам назорат инстанциясининг вазифасига кирмайди.

Айни пайтда, суд қарорларидан норози тараф берган, протест келтириш учун қонуний асос мавжуд бўлмаган шикоятлар юзасидан дастлаб вилоят суди раиси, кейинчалик Олий суд судлов ҳайъати раиси, Олий суд раиси ўринбосари, биринчи ўринбосари ва раиси томонидан, жами 5-6 мартаба асослантирилган ҳолда, яъни тарафнинг даъво талаби, асоси, суд қаро-

ри, ажрими, шикоят важлари, қонун нормаси, важлар асосизлиги нимадан иборат эканлиги кўрсатилган ҳолда жавоб бериш амалиёти мавжуд бўлиб, бу ортиқча вақт, қоғоз ва почта харажатларини талаб қилади.

Айни шу масалада халқаро амалиётга мурожаат қилсак, Жанубий Корея, Малайзия, Германия, АҚШда ишни назорат тартибида кўриш лозим топилмаган ҳолларда бу ҳақда қисқа маълумот бериш амалиёти мавжудлигини кўриш мумкин.

Шунинг учун ҳам ишни назорат тартибида кўриш лозим топилмаган ҳолда, асослантирилган жавоб бериш амалиётидан воз кечиш ва амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси 5-қисми талабида, сабабини кўрсатган ҳолда шикоят муаллифига бу ҳақда маълум қилиш лозим.

Амалдаги процессуал қонунчилик талабига кўра, назорат тартибида протест келтириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишда тараф Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг 1-банди "ж" кичик бандига кўра, даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий низолар бўйича эса, низо суммасидан ҳисоблаб чиқариладиган ставкалар миқдоридан давлат божи тўлаши шарт.

Айрим мулкий низолар бўйича суд қарорларига нисбатан назорат тартибида шикоят беришда тўла-ниши лозим бўлган давлат

божи миқдори салмоқли суммани ташкил этади ва суд амалиётида тараф ушбу давлат божини тўлаш имконияти йўқлигини кўрсатиб, бож тўловидан озод қилишни сўраб мурожаат қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Лекин амалдаги процессуал қонунчиликда назорат тартибида давлат божи тўловидан озод қилиш, уни камайтириш ёки кечиктиришнинг процессуал тартиби назарда тутилмаган.

Агар юқорида таклиф этилгани бўйича шикоятни тўғридан-тўғри назорат инстанциясида кўриш жорий этилса, ушбу масала, яъни давлат божи тўловидан озод қилиш, уни камайтириш ёки кечиктириш масаласини ҳам муҳокама қилиш имконияти юзага келади.

Шунингдек, фуқаролик ишларининг судларда қисқа муддатларда кўрилиб, низо бўйича узил-кесил қарор қабул қилинишини таъминлаш учун назорат тартибида ишларни кўриб чиқиш муддатларини ҳам ислоҳ қилиш лозим кўрилади.

Айтиш керакки, ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўриш бир-бирига боғлиқ. Чунки аксарият ҳолларда иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилганидан сўнг назорат инстанциясида кўрилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹-моддасига кўра, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб

қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Мазкур бир йиллик кассация шикояти ва протест билан мурожаат қилиш муддати ўзгартирилиб, 6 ойлик муддат белгиланса, барча муддатларни қўшиб ҳисоблаганда, кечи билан 6 ой + 20 кун + 1 ой + 20 кун = 8 ой 10 кунда (1 йил 2 ой 10 кун ўрнига) ишни кассация инстанциясида мазмунан кўриб ҳал қилиш имконияти яратилади.

Назорат тартибида берилган шикоятларни ўрганиш муддати ҳам Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида назарда тутилган бўлиб, ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиниб олинандиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача муддатда кўриб чиқирилиши шарт. Шунга кўра, 8 ой 10 кун + 2 ой = 10 ой 10 кунда шикоят асосида иш ўрганиб чиқилиб, тегишли суднинг раёсатига протест киритилади, амалиётда иш бир ойи ичида вилоят суди раёсатида кўрилади ва бунга жами 11 ой 10 кун вақт талаб қилинади. Вилоят суди раёсати қароридан норози тараф Олий судга ёки Бош прокуратурага назорат тартибида протест келтириш ҳақида шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу мурожаатни кўриб чиқиш учун Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида назарда тутилган муддат қўлланилади. Шундай қилиб, барча инстанцияга мурожаат қилиш ва иш кўриб чиқирилиши учун жами 1 йил 2 ой 10 кун вақт талаб этилади.

Агар мурожаат бўйича жавоблар почта алоқаси орқали юборилиши, ишларнинг назорат инстанциясида кўриш қолдирилиши эҳтимолларини ҳам назарда тутадиган бўлсак, бир фуқаролик ишининг барча инстанцияларда кўриб чиқирилиши учун 1 йил 6 ой етарли бўлади. Демак, назорат тартибидаги шикоятнинг қонуний ечимини топиш учун сарф этиладиган 3 йиллик муддатни 1 йил 6 ой қилиб ўзгартириш имконияти мавжуд.

Шунингдек, апелляция ва кассация шикояти берилган муддатини тиклаш каби назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилиш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолатларда, уни тиклашнинг процессуал тартибини жорий этиш лозим бўлиб, бу ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариши учун имконият яратади.

Қонунийликни таъминлаш ва ягона суд амалиётини жорий этишда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг ишларни назорат тартибида кўришга оид қисмини янада такомиллаштириш лозим ва бу амалдаги қонунларнинг бир хилда қўлланилиши ва ягона суд амалиётини жорий этишни таъминлаш, шунингдек, фуқаролик низоларини қонуний ҳал этишга хизмат қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

МОҲИЯТИ, ТУШУНЧАСИ, ТАВСИФИ ВА АСОСЛАРИ

Омон ОКЮЛОВ,

юридик фанлари доктори, профессор

Ҳар қандай ҳуқуқ тизими каби фуқаролик ҳуқуқи учун ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга фуқаролик-ҳуқуқий меъёрларга риоя қилишлари муҳим аҳамият касб этади.

Одатда, фуқаролик ҳуқуқи предметининг асосий қисми — бу субъектлар ўртасидаги кундалик ижтимоий муносабатлардир.

Бундай муносабатларнинг белгиланган доирадан четга чиқиши фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг бузилишини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тартибидаги масалани келтириб чиқаради.

Бироқ бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда фуқаролик ҳуқуқи субъектларни жазолаш, таъқиб қилишни назарда тутмайди.

Фуқаролик ҳуқуқининг таъсир усуллари кўпроқ имконият бериш, танлаш учун шароит яратиш, ташаббус кўрсатишни рағбатлантириш ва шу кабиларда намоён бўлади.

Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳар доим бир маромда давом этмайди. Айрим ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда меъёрий ҳолатдан четга чиқиш ҳам эҳтимолдан

ҳоли эмас.

Агар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда жавобгарлик келтириб чиқаришларини истисно этувчи асосий хатти-ҳаракат қоидасини шакллантириш мумкин бўлса, бу қуйидаги икки қоидада ўз ифодасини топган бўлар эди:

а) ўз мажбуриятларингизни виждонан бажаринг;

б) ҳеч кимга зарар келтирманг.

Юқоридаги икки қоидага риоя қилмаслик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди.

Биринчи ҳолат мажбурият муносабатлари билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда субъектлар киришган ўзаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни уларнинг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади. Бу асосан шартномавий муносабатлар ҳисобланади.

Шартномавий муносабатлар бўйича мажбуриятларни ҳар қандай бузилиши муайян фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чорасини қўллашга сабаб бўлади.

Иккинчи ҳолатда эса, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари кундалик турмушида бошқа бирор субъект ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказмаслиги билан боғлиқ. Бунда субъект ўзи учун шундай мақбул хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қоидасини белгилаш лозимки, токи бу бошқаларнинг мол-мулкига зарар келтирмаслиги керак.

Юқорида баён этилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқади: фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракат фуқаровий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик нафақат фуқаролик нормаларини бузиш, балки тарафлар ўртасида ўзаро келишув асосида белгиланган шартнома шартларига риоя этмаслик ҳам ҳисобланади.

Бунда давлат томонидан белгиланган

оммавий ҳуқуқ нормасидан ташқари фуқаролар, юридик шахсларнинг ўзлари томонидан белгиланган хусусий ҳуқуқ нормалари бузилиши тарзида ҳам намоён бўлади.

Юқорида баён этилганлардан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар фақат унда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли ва бу борада вужудга келадиган ҳуқуқбузарлик оқибатлари таъсири ҳам чекланган деган хулосага келиб чиқмайди.

Бозор муносабатлари тизимида муайян яхлитлик ва уйғунлик мавжуд, бинобарин, қаердадир, кимнингдир ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки бошқаларга зарар етказиши ўз навбатида, бошқа муносабатлар тизимида ҳам таъсир қилади.

Масалан, аҳолининг баъзи қатламлари томонидан коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги энергия етказиб берувчи ташкилотларнинг энергетика қурилмаларини таъмирлаш, соз ҳолатда сақлаб туриш жараёнларига таъсир кўрсатади. Демак, бундан келиб чиқадики, фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши ўзига хос занжир реакциясини ҳосил қилиши мумкин.

Аксарият цивилист олимлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни мажбуриятларни бузган ёки бошқаларга зарар етказган субъектлар учун ноқулай салбий оқибатларни вужудга келтириш ва қўллаш маъносида талқин қилишади. Одатда, ҳуқуқ назариясида жавобгарлик санкциясини қўллаш жараёни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг якуни сифатида тавсифланади. Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тавсифидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тизими ҳуқуқ назариясида белгиланган ҳуқуқий жавобгарлик конструкцияси ва репрессив ҳуқуқ соҳаларида қатъий белгилаб қўйилган ҳуқуқбузарлик таркибига (масалан, жиноят, маъмурий ҳуқуқ ва шу кабилар) айнан мос келавермаслигини таъкидлаш лозим.

Шу боисдан ҳам илмий адабиётларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка нисбатан турли изоҳлар мавжуд.

Масалан, С.С.Алексеев томонидан позитив жавобгарлик нуқтаи назари ишлаб чиқилган. Унга кўра, фуқаролик

ҳуқуқи иштирокчилари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўз мажбуриятларига қатъий, узлуксиз, ташаббускорлик асосида риоя қилишлари шарт.

В.А.Тархов эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни субъектларнинг ўз ҳаракатлари учун ҳисоб бериши, улар учун масъул бўлиши билан боғлайди.

С.Н.Братус эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка анъанавий ёндашув асосида таъриф беради. Унинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган у ёки бу тарздаги давлат ёхуд жамоат мажбурлов чорасидир.

Академик Х.Р.Раҳмонқулов "Хўжалик юриштининг бозор хўжалик шароитларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка қонунда, шартномада назарда тутилган санкциялар таъсири остида шартнома тарафларини ўз мажбуриятларини ижро этишга ўзаро мажбурлашга йўналтириш ҳолати сифатида қарамоқ лозим", деб ҳисоблайди.

О.С.Иоффе "Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка ҳуқуқбузар учун субъектив фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлиш ёки қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни юклаш тариқасида салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи санкциядир", деб таъриф беради.

В.Т.Грибанов фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида субъектлар хатти-ҳаракатларига мақсадли таъсир этишни бир неча турлари бор, деб ҳисоблайди:

- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари;
- оператив таъсир чоралари;
- превентив (эҳтиёт қилиш, олдини олиш) таъсир чоралари;
- регулятив тартибга солувчи таъсир чоралари.

Ушбу муаллиф фуқаролик жавобгарлик ҳар қандай юридик жавобгарлик каби ижтимоий жавобгарликнинг бир тури деб таъкидлайди. Шу маънода у давлат мажбурлов чораси ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, В.Грибанов фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка қуйидагича таъриф беради: "Фуқаролик муомаласидаги юридик тенг ҳуқуқ иштирокчилар ўртасидаги нормал иқтисодий муносабатларни рағбатлантириш ва бузилган ҳуқуқлар-

ни қайта тиклашга қаратилган мулкӣй характердаги мулкӣй санкцияларни қўллаш билан боғлиқ бўлган давлат мажбурлов чоралари фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик ҳисобланади".

Юқоридаги таърифлар фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарликни умумий моҳиятини ўзида мужассамлаштиради, уларнинг айрим элементларига урғу беради. Бироқ бу таърифлар ўз даври учун реал воқеликни акс эттирган бўлса ҳам, ҳозирги давр шароитлари учун муайян даражада қайта ишлашни, тўлдиришни ва бойитишни талаб қилади. Ҳозирги даврда қўлланилаётган фуқаролик-ҳуқуқӣй таъсир чоралари нафақат моддий зарарни қоплаш, балки моддий зарарни тўлақонли равишда қоплаш (бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда) ва айти пайтда маънавий зарарни қоплаш кўринишида намоён бўлади. Маънавий зарарни қоплаш характери моддий зарарни қоплаш характери билан айнан мос келмайди ва уларни бир хил маънода қўллаш мумкин эмас. Жабрланувчига етказилган зарар пул кўринишида қопланганда, жисмоний оғриқ ва руҳий изтироблар оқибатлари тўлиқ бартараф этилмаслиги мумкин. Бунда маънавий зарарни пул кўринишида қоплаш, ушбу оқибатларни юмшатади холос, лекин тўлиқ бартараф этмайди. Маънавий зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқӣй муносабатларда кенг қўлланаётган ҳозирги шароитларда буни ҳисобга олмаган ҳолда фуқаролик жавобгарлик моҳиятини тўлиқ очиб бериш мумкин эмас.

Фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик ўзида қуйидаги элементларни мужассам этади:

- давлат мажбурлов чораси эканлиги ва айти пайтда ихтиёрий равишда ижро этиш мумкинлиги;
- қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилиши;
- ҳуқуқбузар ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик зиммасига юклатилган субъектлар учун салбий оқибатлар юзга келиши;
- ҳуқуқбузарлик учун етказилган зарарни қоплаш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш ёки юмшатишга қаратилган бўлиши;
- ҳуқуқбузар учун муайян субъектив

ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш ёки қўшимча фуқаролик мажбуриятларини юклаш ёки бошқа ноқулай оқибатлар вужудга келишида намоён бўлиши билан боғлиқ таъсир чораларини қўллаш.

Айтиш керакки, фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик фуқаролик қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган, ихтиёрий амалга оширилмаган тақдирда давлат мажбурлов кучи билан таъминланган, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги оқибатларини бартараф этишга, шу жумладан, зарарларни тўлиқ қоплашга ёхуд ушбу оқибатларни юмшатишга қаратилган, ҳуқуқбузар ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик зиммасига юклатилган субъектларни муайян субъектив ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки қўшимча фуқаролик мажбуриятларини юклаш ёхуд бошқа ноқулай салбий оқибатларни вужудга келтиришда намоён бўладиган ҳуқуқӣй таъсир чораларининг қўлланилишидир.

Ушбу таъриф умумий характерга эга бўлиб, у шартномавий мажбуриятлар соҳасига ҳамда деликт соҳасига ҳам тўлақонли тааллуқли ҳисобланади. Айти пайтда нафақат мулкӣй таъсир чораларини, балки номулкӣй шахсий таъсир чораларни ҳам жавобгарлик таъсир чоралари сифатида қўлланилишини истисно этмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик институтини муҳокама қилишда унинг асослари ягона таркибга эгами ёхуд у жавобгарликни вужудга келиш асосларига кўра, фарқланадими, деган масала муҳим амалий аҳамият касб этади. Агар амалдаги Фуқаролик кодексининг 333-моддаси (мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари) ва 985-моддаси (зарар етказганлик учун жавобгарлик асослари) мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик асослари ягона таркиб кўринишида мавжуд бўлмайди, деб айтиш мумкин.

Масалан, Фуқаролик кодексининг 333-моддасида қуйидагилар мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг зарурий элементлар сифатида белгилаб қўйилган:

- а) мажбуриятни бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги — ҳуқуққа хилоф қилмиш сифатида;
- б) қарздор айбининг мавжудлиги;

в) жавобгарлик субъекти бўлган қарздорнинг мавжудлиги. Зарар ушбу таркибда зарурий элемент сифатида эмас, балки факультатив элемент сифатида намоён бўлади

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 985-моддасида жавобгарлик асослари сифатида қуйидагилар белгиланган:

а) зарарнинг мавжудлиги;

б) зарар етказувчи айбининг мавжудлиги;

в) зарар етказувчи ҳаракатларининг ҳуқуққа хилофлиги;

г) зарарни қоплаш мажбурияти зиммасига юклатилган субъектнинг мавжудлиги.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Фуқаролик кодексининг 985-моддаси бўйича жавобгарлик асослари ўзининг парадоксал қирраларига ҳам эга. Бунда жавобгарликнинг мутлақ асоси сифатида фақат зарар мавжуд бўлиши керак. Қолган элементлар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, зарар етказувчининг айби бўлмаслиги, унинг ҳаракатлари ҳуқуққа мувофиқ бўлиши, муайян қонунлар ёки қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жавобгарлик қўлланилмаслиги учун асос бўла олмайди. Мисол учун ошиқча хавф манбаидан зарар етказилганда ошиқча хавф эгаси айбидан қатъий назар жавоб беради ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиниши муносабати билан фуқаронинг турар жойи бузилиши ҳолларида, гарчи ҳокимлик ўз ваколат доирасида қонунга мувофиқ тарзда ҳаракат қилган бўлса ҳам, барибир турар жой бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаши шарт. Зарар етказувчи субъект зиммасига жавобгарликни юклашга қонун йўл қўймаслиги (14 ёшгача бўлган болалар томонидан зарар етказилганда) ҳолатлари ҳам мавжуд.

Бошқача айтганда, қонунда назарда тутилган муайян ҳолларда жавобгарлик зарар етказувчи шахсга эмас, балки бошқа шахс зиммасига ҳам юкланиши мумкин. Бундан фуқаролик жавобгарлик асослари умуман юридик жавобгарлик асосларига тўғри келмайди, деган хулоса келиб чиқмайди. Юқоридаги умумий қоидадаги истиснолар жузь-

ий характерга эга. Уларни қўллашдан мақсад фуқаролик жавобгарлик асосларини мавжуд реал воқеликка, ҳаётга мослигини таъминлаш, шунингдек, жавобгарликни қўллашда адолат, оқилоналик тамойилларини ўзида муҷассамлаштириш ҳисобланади. Умуман олганда, аксарият ҳолларда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликда ҳам, зарар етказганлик учун жавобгарликда ҳам фуқаролик жавобгарлик асослари умумий юридик жавобгарлик асосларига мувофиқ келади.

Реал воқеликда муайян ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари учун бир пайтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ жавобгарлик шаклларини қўллаш ёхуд жавобгарликни муқобиллик асосида қўллаш масаласи юзага келади. Шуни таъкидлаш ўринлики, ижтимоий адолат ва оқилоналик нуқтаи назаридан олганда, оммавий ҳуқуқ тармоқларида (жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи) бир қилмиш учун бир жавобгарлик тамойили амал қилади. Бироқ оммавий ҳуқуқий жавобгарлик ва фуқаролик жавобгарлик қўллаш ҳолатларида бир қилмиш учун икки жавобгарлик шаклини қўллаш ҳолатлари учраб туради. Масалан, муайян жиноят учун жиноятчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланилиши уни жабрланувчининг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлик қўллашдан асло озод қилмайди. Баъзи ҳолатларда эса, бир қилмишга нисбатан ҳам жиноят ҳуқуқий жавобгарлик, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш имкониятлари мавжуд ва қонун талабига кўра, муқобиллик асосида жабрланувчи бирини танлаши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, шахс ўз айби билан ўзгаларга зарар етказган тақдирда уни ўз ихтиёри билан тўлиқ қоплаши гоётда муҳимдир. Акс ҳолда етказилган зарар суд тартибида ундириб берилиши таъминланади. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, низолашаётган тарафлар ўртасида дўстона муносабатларни қарор топтириш, етказилган зарар ўрнини қоплаш имконини берибгина қолмай, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Бугунги кунда юртимизда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес фаолияти ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчи сифатида фаол ҳаракатланадиган кучга айланиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.¹

Такомиллашаётган қонунлар моҳияти

Зафар РЎЗИЕВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент*

Айтиш керакки, бу борада янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги², "Рақобат тўғрисида"ги³, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги⁴ қонунларнинг қабул қилиниши ўта муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қонун бизнеснинг янги тури - оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб берди.

Зеро, бу борада АҚШнинг Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж таъкидлаганидек, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун тадбиркорликнинг бундай йўналишини янада кенгайтириш, шу орқали оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради. Бу борада маҳалла энг яқин кўмакдошга айланади.⁵

Қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик ту-

шунчасига оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир, деб таъриф берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар тажрибасида ҳам оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари амал қилаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясида оилавий тадбиркорликка оид қоидалар "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топган бўлса, Латвия Республикасида "Якка тартибдаги (оилавий) корхоналар, деҳқон ёки балиқчилик хўжалиги ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда белгилаб берилган маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусу-

сий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддаси айнан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишига бағишланди.

Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли.

Маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз ва-

зифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар беради.

Маслаҳат марказлари:

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади, шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот беради;

- бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, хунармандларга бириктирилишига кўмаклашади;

- тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

- тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади.

Маслаҳат марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амал-

га ошириши мумкин. Маслаҳат маркази тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Шу ўринда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оилавий бизнес: ривожланишнинг янги босқичи" мавзуида ўтказилган сўровномага натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланмоқда. Яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири хунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Шунингдек, ижтимоий тадқиқот қатнашчилари ўз оилавий бизнесини амалга оширишга ёрдам бераётган мавжуд шарт-шароит ва қоидаларни ижобий баҳолайди. Сўралганларнинг 41,3 фоизи бу қоидалар оилавий бизнесни самарали ривожлантириш имконини бераётганини қайд этган.⁶

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу мамлакатимизда яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.⁷

Юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги кунда мамлақати-

мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатимиз ривожига алоҳида ўрин тутмоқда. Бунинг натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, ажратилган ерлардан самарали, оқилона ва мақсадли фойдаланишга эришмоқдалар.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асносида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида 2012 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1754-сонли "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

- қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга;

- қишлоқ жойларда якка

тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган корхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес марказига айлантирилганлигидан далолат беради.

Бунинг натижасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастури доирасида 2014 йилда 11 мингта янги тураржойлар барпо этилди.⁸ Бу эса, ўз навбатида "бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётгани"дан⁹ далолатдир.

Шу ўринда маълумот учун

қайд этиш керакки, аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида фуқаролар йиғинларида маиший хизмат кўрсатиш, автосервис ва бошқа йўналишлардаги шохобчаларнинг ташкил этилаётгани ўзининг кутилган самараларини бермоқда. 2014 йили республика миз маҳаллаларида 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ташкил этишда, уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишда кўмаклашилди. Жумладан, 39 мингдан ортиқ хотин-қиз ва 34 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди.¹⁰

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегиши фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш мақсадида янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан

таъминлаш тўғрисида"ги Қонунига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги иштирокини мустаҳкамлаш мақсадида мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бу эса ўз навбатида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқинини таъминлашга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишлари учун муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Пировардида, жойларда халқимизнинг миллий анъаналарига хос кулолчилик, темирчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик, деҳқончилик, чорвачилик сингари касбий кўникмалар йилдан-йилга ортади. Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг кўламли йўналиши — савдо ва хизмат кўрсатиш, хусусан, умумий овқатланиш, новвойчилик, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик, уй қуриш, таъмирлаш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш янада ривожланади.

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б. 91.

² Ўзбекистон Республикасининг 2 май 2012 йилдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-328-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 5-сон, 133-м

³ Ўзбекистон Республикасининг 6 январь 2012 йилдаги "Рақобат тўғрисида"ги ЎРҚ-319-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 1-сон, 5-модда

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 26 апрель 2012 йилдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ЎРҚ-327-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 4-сон, 111-модда // Биринчи марта "Халқ сўзи" рўзномасида 2012 йил 27 апрелда нашр этилган.

⁵ Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусида халқаро илмий-амалий давра суҳбати материаллари // Маҳалла - оила институтини мустаҳкамлашнинг муҳим омили // http://xs.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=3339:mahalla-xalqaro&catid=133:bugun-sonda&Itemid=153.

⁶ "Ижтимоий фикр" маркази материаллари. 2011 йил

⁷ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазиализмдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.

⁸ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазиализмдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.

⁹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - Б. 150.

¹⁰ Усмонов Д. Тараққиёт замирида фаровонлик мужассам // <http://mahallagzt.uz/uz/ijtimoiy-ximoya/2996-tara-ijot-zamirida-farovonlik-muzhassam> - "Маҳалла" рўзномасининг расмий веб-сайти, 21 январь 2015 йил.

Судланганлик ҳолати ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Аввало шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг 77-моддасида судланганлик ҳолатига таъриф берилган бўлиб, унда судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти белгиланган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади.

Маълумки, амалдаги қонунларга кўра, суд томонидан Жиноят кодексига белгиланган ҳар қандай жазо, яъни жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тайинланган шахс ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланган ҳисобланади.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг судьяси

Судланганлик — суд ҳукми билан жазо тайинланган шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат ҳисобланади.

Судланганликнинг асосан икки хил ҳуқуқий оқибати мавжуд:

- 1) умумий-ҳуқуқий оқибатлар;
- 2) жиной-ҳуқуқий оқибатлар.

Судланганликнинг умумий-ҳуқуқий оқибатларига: шахс расмий ҳужжатларда судланганлиги ҳақидаги маълумотларни кўрсатишга мажбур, муайян ўқув юртларига ўқишга кириш (масалан, божхона институти, ҳарбийлаштирилган ўқув юртлари ва бошқалар), муайян фаолият билан шуғулланиш ва лавозимларни эгаллаш (депутат, нотариус, адвокат ва бошқалар) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ва режим белгиланган муассасаларда ишлаш ҳуқуқи чекланиши мумкин, қурол олиш ва сақлаш (масалан, ов қуроллари) таъқиқланади, муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилмайди, айрим тоифадаги жиноятларни содир қилганлиги учун суд қарори билан маъмурий назорат ўрнатиш каби ҳолатлар киради.

Судланганликнинг жиной-ҳуқуқий оқибатларига:

- қасддан содир этган жиноят учун судланганлик муддати мобайнида ҳар қан-

дай қасддан жиноят содир этиш рецидив жиноят, хавfli рецидив жиноят деб ҳисобланиши ёки шахсни ўта хавfli рецидивист деб топиш учун асос бўлади (Жиноят кодексининг 34-моддаси);

- судланганлик ҳолати озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган шахсга колония тури белгиланишига таъсир қилади (Жиноят кодексининг 50, 85-моддалари);

- судланганлик муддати давомида такроран ёки қасддан янги жиноят содир этса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Жиноят кодексининг 56-модда "н" банди);

- судланганлик муддати давомида жиноят содир қилган шахсни қилмиш ёки шахс ижтимоий хавfliлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишга таъсир кўрсатиши мумкин (Жиноят кодексининг 65, 70-моддалари);

- судланганлик муддати давомида жиноят содир қилган шахсни амалда ўз қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўлламасликка асос бўлади (Жиноят кодексининг 66, 71-моддалари);

- оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир қилганлиги учун жазо ўтаб бўлган ва судланганлик муддати давомида жиноят содир қилган шахсни ярашилганлиги муносабати билан жиной-жавобгарликдан озод қилишни қўлламасликка асос бўлади (Жиноят кодексининг 66¹-моддаси);

- судланганлик ҳолати жиноят содир қилган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда амнистия актини қўлламасликка асос бўлиши мумкин (Жиноят кодексининг 68, 76-моддалари);

- ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун тайинланган жазони ўтаб бўлган ва судланганлик муддати давомида жиноят содир қилган шахсга шартли ҳукм қилишни қўлламасликка асос бўлади (Жиноят кодексининг 72-моддаси ва ушбу моддадаги истисно инobatга олинган ҳолда);

- судланганлик оғир ва ўта оғир жиноятлар учун маҳкумнинг муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш масаласини ҳал қилишда амалда ўтаган муддатни кўпайишига сабаб бўлади (Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми "б" ва "в" бандлари);

- судланганлик муддати давомида жиноят содир қилган вояга етмаган шахсга мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўлламасликка асос бўлади (Жиноят кодексининг 87-моддаси);

- аксарият ҳолатларда судланганлик жиноят содир қилган шахснинг қилмишини муайян жиноят таркибларининг оғирлаштирувчи белгиси билан квалификация қилишда эътиборга олинади ва судланганлик муддати тугамасдан жиноят содир қилганлик учун оғирроқ жазо белгиланишига сабаб бўлиши мумкин (масалан, Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисм "а" банди, 165-модда 2-қисм "а" банди, 166-модда 3-қисм "а" банди, 167-модда 2-қисм "б" банди, 168-модда 2-қисм "б" банди, 169-модда 3-қисм "а" бандлари).

Қонун судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча, яъни умумий ва жинoий ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Бундан ташқари жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазонинг ўтаб бўлиши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Қонунга кўра, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс деганда, жиноят содир қилган шахс-

га қуйидаги чоралар қўлланилган бўлиши тушунилади:

1) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган бўлса (Жиноят кодексининг 69-моддаси);

2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан қилинган бўлса (Жиноят кодексининг 70-моддаси);

3) айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган бўлса (Жиноят кодексининг 71-моддаси);

4) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса (Жиноят кодексининг 76-моддаси).

Бундан ташқари қонунда аниқ белгиланган бўлмаса-да, қуйидаги ҳолатларда шахс жавобгарликдан озод қилинганда судланмаган деб ҳисобланиши мумкин:

1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодексининг 64-моддаси);

2) қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлиликни йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодексининг 65-моддаси);

3) айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодексининг 66-моддаси);

4) ярашилганлиги муносабати билан жинoий жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодексининг 66'-моддаси);

5) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодексининг 67-модда);

6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодекси 68-модда);

7) шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида назарда тутилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган ҳолатларда.

Хулоса қилиб айтганда, судланганликнинг жинoий-ҳуқуқий оқибати судланган шахс янги жиноят содир этган пайтда таъсир қилади ва судланганлик ҳолати суд томонидан фақат кейинги жинoяти учун шахс судланган деб ҳисобланган давр мобайнида, яъни суд ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан судланганлик олиб ташлангунгача ёки тугагунгача бўлган давр мобайнида ҳисобга олинади.

Миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро алоқаси ва нисбати масаласи халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан принципиал аҳамиятга эга. Ҳуқуқнинг ҳукмронлик концепцияси дунёнинг барча давлатлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини тан олиш қоидасини назарда тутлади.

Жиноят қонунини либераллаштириш

унда халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий
қонунчилик нисбати

Анвар ХАЙРУЛЛАЕВ,

*Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот
маркази етакчи консултанти*

Конституциямизнинг муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунларга нисбатан устунлиги тан олинган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 1-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир" дея қайд этилган.

Халқаро ҳуқуқ нормалари жуда кўплаб муносабатларни тартибга солиди. Жиноят-ҳуқуқий характерга эга бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари бирлашиб, халқаро жиноят ҳуқуқи деб номланган халқаро ҳуқуқ соҳасини вужудга келтиради. Жиноят-ҳуқуқий характерга эга бўлган нормалар мужасамлашган ҳужжатлар

жумласига "Одамлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликни эксплуатация қилишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция (1949 йил, 2 декабрь), "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция" (1984 йил, 10 декабрь), "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида" (1999 йил, 9 декабрь), "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида" (2000 йил, 15 ноябрь), "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" (2003 йил, 31 октябрь), "Ядровий терроризм актига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциялар (2005 йил, 13 апрель) киради. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлик та-

моилидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган жиноий-ҳуқуқий характерга эга бўлган халқаро шартнома қоидалари миллий жиноят ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланади ва Жиноят кодексига нисбатан устун мавқега эга.

Баъзи олимлар халқаро шартномаларнинг устунлик мавқеини инкор қиладилар. Хусусан, В.В.Мальцев ўз фикрини қуйидагилар билан исботлашга ҳаракат қилади: "1) халқаро ҳуқуқ нормаларининг асосий мақсади — давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади, миллий жиноят ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар эмас; 2) турли хил мазмунга эга бўлган ва ҳар хил жойларда қабул қилинган халқаро шартнома қоидалари бевосита қўлланилиши мумкин эмас, чунки улар нашр

қилинмаган бўлади ва уларнинг мазмуни оммага етказилмайди; 3) халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлик мавқеини тан олиш миллий қонунчиликни бошқа бир муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи манфаатларига бўйсунтириш эҳтимolini кучайтиради.¹ Юқоридаги фикрлар бизнингча, асослангилмаган. Чунки, биринчидан, фақатгина муайян бир жиноят таркиби элементларини ўрнатувчи халқаро ҳуқуқ нормалари мустақил бевосита қўлланилмайди, бошқа нормалар миллий ҳуқуқ нормаларидан ўзгача қоида ўрнатса, устун мавқега эга бўлади ва қўлланилади. Иккинчидан, 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги қонунининг 25-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, уларнинг аутентик матнлари чет тилларда тузилган бўлса, давлат тилида эълон қилинади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбадир". Демак, халқаро ҳуқуқ нормаларининг нашр этилмаслиги ва оммага етказилмаслиги борасидаги фикрлар ўз ўзидан нотўғри ва асосланмаган. Учинчидан, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг

публикаси манфаатларига зид бўлмаган халқаро шартномаларгина давлатимиз томонидан ратификация қилиниши мумкин, давлат манфаатларига зид бўлган халқаро шартномалар ратификация қилинмайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мос келади, лекин шу билан бирга уни бу борада янада такомиллаштириш имконияти мавжуд. Жиноят кодексини ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш жиноят қонунини либераллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Миллий қонунларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши жиноят қонунини либераллаштиришнинг конституциявий асосидир. Шу мақсадда мамлакатимизда жиноят қонунини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш фаолияти амалга оширилмоқда. Жиноят қонунини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришнинг бир нечта турлари мавжуд. Қуйида уларни келтириб ўтамиз:

хавола қилиш - жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқ нормасига хавола қилиш, бунда Жиноят кодексига ҳеч қандай матн киритилмайди, фақатгина халқаро ҳуқуқ нормасига хавола қилинади;

рецепция — бунда халқаро ҳуқуқий акт жиноят ҳуқуқининг манбаси сифатида ҳеч қандай ўзгартиришларсиз жиноят қонуни-

га киритилади, бу ҳолатда янги ҳуқуқий норма яратилади ёки мавжуд бўлган норма ўзгартирилади;

имплементация — олдин яратилган жиноят-ҳуқуқий норма ёки киритилаётган норма қонун чиқарувчи томонидан халқаро шартнома қоидаларини бажариш учун мослаштирилади.

Охирги икки усул халқаро ҳуқуқ нормасини жиноят қонунига бевосита киритишни назарда тутлади. Аҳамиятли томони шундаки, имплементация шаклига кўра рецепцияга ўхшаб кетади. Бироқ имплементацияда халқаро ҳуқуқ нормаси жиноят қонунига ўзгаришсиз ёки тўғридан-тўғри эмас, балки миллий ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб киритилади. Ўзбекистон Республикасида имплементация усулидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига халқаро шартнома қоидаларини бажариш учун киритилган жиноят турлари мавжуд. Улар конвенцион жиноятлар деб аталади. Конвенцион жиноятлар деганда, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартнома қоидаларини бажариш муносабати билан Жиноят кодексига имплементация қилинган халқаро ҳуқуқий тартибот билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга таъвоуз қилувчи ижтимоий ҳавфли қилмиш тушунилади. Конвенцион жиноятларга Одам савдоси (135-модда), Геноцид (153-модда),

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-модда), радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (153-модда), ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (255-модда) каби жиноятлар киради.

Шу ўринда жиноят-ҳуқуқий характерга эга бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси нормалари нисбати масаласига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Айтиш керакки, 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи одамлар савдосини олдини олиш ва унга жазо тайинлаш бўйича Протокол"нинг 5-моддасида: "одам савдоси — бу одамлардан фойдаланиш мақсадида зўрлик ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа усуллари қўллаган ҳолда, ўғирлаш, алдаш, ваколатни суистеъмол қилиш, розилигини олиш учун учинчи шахсга пул бериш ёки ожизлигидан фойдаланиш йўли билан одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш" деб белгиланган.

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига юқоридаги белгилар келтирилган. Аммо алдаш белгиси келтирилмаган. Бу эса, қонун нормасини нотўғри талқин қилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун алдаш белгиси 135-модда

диспозицияси матнига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 9 декабрда 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилинди. Коррупцион жиноятлар азалдан инсоният тарихида мавжуд бўлган ва жиноят ҳуқуқи томонидан ўрганиладиган энг асосий масалалардан бири бўлиб келган. Коррупцион жиноятлар деганда, кўпчилик олимлар мансабдорлик жиноятларни мисол қилиб келтиришади.

Эътиборлиси шундаки, ҳатто Конвенциянинг ўзида ҳам коррупция атамасига изоҳ берилмаган. Бунинг сабаби шундаки, дунёдаги барча давлатлар турли хил ҳуқуқий тизимларига эга ва бу ҳуқуқий тизимларда коррупция тушунчаси тор ёки кенг маъноларда қўлланилиши мумкин. Шунинг учун конвенцияда коррупция атамаси берилмаган, чунки коррупция атамасини конвенциянинг умумий мазмуни билан танишиб чиққан ҳолда тушуниш мумкин. Бироқ конвенцияда ушбу атаманинг белгиланмаганлиги миллий қонунчиликда коррупция атамасини изоҳлашга халақит бермайди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига айнан қайси жиноятлар коррупцион жиноятлар эканлиги белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки, кор-

рупцион жиноят бу — мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ва бу ваколатни суистеъмол қилган ҳолда моддий қимматликлар олиш, мулкий наф кўриш, мулкни талон-торож қилиш, ўзлаштириш мақсадида содир этиладиган, ўзи учун ёки юридик ҳамда жисмоний шахс ёки уларнинг гуруҳлари учун қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган қилмишдир.

Коррупцион жиноятларга қуйидагилар киради: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (205-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда), мансаб сохтакорлиги (209-модда), пора олиш (210-модда), пора бериш (211-модда), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-модда) ва бошқалар. Шунингдек, коррупцион жиноятлар субъектини аниқлаш учун қонунчиликда мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс ва давлат хизматчиси атамаларининг фарқлари аниқ чегараланиши лозим.

Қайд этилган таклифлар умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мос келди ва жиноят қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида либераллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

¹ Мальцев В.В. Принципы уголовного права и их реализация в правоприменительной деятельности. СПб., 2004. С. 230-232.

Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларининг беш тамойили

Малумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Судлар тўғрисида"ги қонунга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомга, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умумэътироф этилган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган "Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари" асосан муҳим беш тамойилга таянади.

Неъматжон АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

Биринчи тамойил — судьянинг касбий малакаси, ҳалоллиги ва муносиблиги.

Иккинчи тамойил — судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, холислиги ва одиллиги.

Учинчи тамойил — судьянинг ўз ҳамкасблари ва бўйсунувидаги ходимлар билан ўзаро муносабати.

Тўртинчи тамойил — судьянинг давлат идоралари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги.

Бешинчи тамойил — судьянинг хизматдан ташқари вақтда оила аъзолари ва қариндошлари билан муносабатда ҳамда турмушдаги одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш хулқ-атвор қоидалари.

Дастлаб, биринчи тамойил, **яъни судьянинг касбий малакаси, ҳалоллиги ва муносиблиги ҳақида.** Ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарига, дунёвий ва диний билимлардан хабардор, кўнгли пок, иккиюзламачилик иллатидан холи, ҳукм ва фатво вақ-

тида ошно ва бегонага, бой ила камбағалга тенг қарайдиган, ҳалол ва адолатли, эл-улус ҳурматида сазовор бўлган кишиларгина қозиликка муносибдир, деб ёзади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда чуқур билимли, зарур амалий ва ҳаётий тажрибага эга, тартиб-интизомли ва оқилона фикрловчи кадрларгина мазкур мақомга лойиқ топилиб, улар қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайланмоқда ва тайинланмоқда.

Судьялик масъулиятли касб ёки лавозимгина бўлиб қолмай, балки у энг аввало, инсонийликдир. Шунга кўра, одил судловни амалга оширишда судьянинг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштиришга, уларнинг касбий-тарбиявий тайёргарлигини, суд этикасидаги касбий малака, ҳалоллик ва муносиблик ҳамда ҳуқуқ, ахлоқ ва қобилият бирлигини таъминлаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз вазифасини юқори профессионал даражада одилона, тезкор ва виждонан бажариши, суд процесси иштирокчиларига ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиши учун тенг имконият яратиб бериши, ишларни қонунда белгиланган процессуал муддатларда кўриб чиқиши, чиқарилган суд қарорларини

манфаатдор шахсларга ўз вақтида бериши судьянинг одиллиги, ҳалоллиги, муносиблиги ва поклиги ҳамда ўзига юклатилган бошқа вазифаларини лозим даражада бажаришининг зарур шартлари ҳисобланади.

Демак, судьянинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори жамиятда унинг ҳалоллиги, муносиблиги ва поклигига бўлган ишончни қувватлаб туриши лозим. Судья ўз малакасини юқори даражада ушлаб туришга, назарий билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириб боришга, у ўзининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ўтказилган тазйиқ ва аралашувлар, шунингдек, муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ таклиф қилинганлиги тўғрисида дарҳол Судьялар малака ҳайъатига хабар беришга мажбур.

Бир сўз билан айтганда, судьялар фаолияти Конституциямиз ва қонунларимизда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга, ва албатта, қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Иккинчи тамойил — **Судьянинг мустақиллиги, холислиги ва одиллиги.**

Айтиш керакки, мамлакатимизда судлар мустақил фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий имкониятлар яратилган. Аммо айрим судьялар судьялик лавозимига тайинлангач, ўз билим ва касбий малакасини ошириш, янги қабул қилинган қонун нормаларини пухта ўқиб, ўрганиш ва Олий суд Пленуми қарорларини амалиётга татбиқ қилишда орқада қолаётгани, изланмаётгани, оқибатда айрим мураккаб ишлар бўйича мустақил қарор қабул қилишда жузъий хато-камчиликларга йўл қўяётганидан кўз юмолмаймиз.

Зеро, судьяга одил судловни амалга

оширишда давлат номидан қарор қабул қилишдек, масъулиятли ваколат берилган. Шу билан бирга Конституциямизнинг 112-моддаси ва "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилганидек, "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашаишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашаиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади".

Демак, судья ўз мажбуриятларини бирон-бир афзаллик, ноҳолислик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмай, холислик, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиб, суд процесси иштирокчиларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши шарт.

Учинчи тамойил — **судьянинг ўз ҳамкасблари ва бўйсунувидagi ҳодимлар билан ўзаро муносабати.**

Шуни қайд этиш жоизки, судья ўз ҳамкасбларига нисбатан хушмуомала ва вазмин, танқидга нисбатан сабр-тоқатли бўлиши, унга нисбатан танқидий муносабат учун бевосита ёки билвосита таъқибга йўл қўймаслиги, бошқа судьянинг иш юритувида бўлган ишларнинг кўрилишига аралашмаслиги касбий фаолиятини амалга ошириш борасидаги хулқ-атвор қоидаларининг энг муҳим жиҳатларидир.

Суд раислари эса, судьялар ўз вазифаларини самарали бажаришини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши, суд аппарати ходимларини лавозимга тайинлаш ҳуқуқидан ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик каби ҳолатларга йўл қўймасдан виждонан фойдаланишлари, судьялар ва суд тизими ходимлари ўртасида хизмат вазифаларининг тенг тақсимланишини таъминлаши шарт.

Тўртинчи тамойил — **судьянинг давлат идоралари, оммавий ахборот во-**

ситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигидир.

Судьялар бир вақтнинг ўзида сенатор, депутат, сиёсий партияларга аъзо бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Судьялар жамоат бирлашмаларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларни эгаллаб туриши мумкин.

Бундан ташқари судья шахсий ҳаётда ҳам алоҳида хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиши керак.

Шундай экан, судья ўз фуқаролик ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши ва фуқаролик мажбуриятларини бажариши, ўз мақомидан ўзи учун, шу билан бирга қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирон-бир манфаат, хизмат, тижорат ёки бошқа фойда олиш мақсадида фойдаланмаслиги, шахсий масалалар юзасидан турли давлат органларига мурожаат қилганида ўз мавқеини суиистеъмол қилмаслиги шарт.

Судья ўз фаолиятида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан доимий ҳамкорлик қилади. Бироқ бунда у мансабдор шахслар томонидан унга таъсир кўрсатилишига, шунингдек, унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим.

Судьянинг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган қўмита, комиссияларда иштирок этиши унинг судьялик касбий вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилса, жамиятнинг суд ҳокимияти обрўсига бўлган ишончига путур етказса ёки одил судловнинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирса, судья уларнинг фаолиятида қатнашмаслиги керак.

Яна муҳим бир жиҳат, судьянинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабати ва ҳамкорлиги масаласидир.

Судья ўз юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишга ҳақли эмас. Судья оммавий ахборот воситалари орқали қонуний кучга кирган суд ҳужжатларига фикр билдирганда суд ҳужжатларига нисбатан ошқора шубҳа билдирмаслиги, бошқа судьяларнинг касбий ҳаракатлари ва шахсини танқид қилмаслиги лозим.

Оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти ноҳолис ёритилган ҳолларда у сабр-тоқатли бўлиши, холислиги, мустақиллиги, беғаразлигини сақлаши, оммавий ахборот воситалари билан ҳар қандай қарама-қаршиликдан ўзини тийган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт. Шу билан бирга у оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги зарур.

Судья илмий ва педагогик фаолиятини одил судловнинг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда амалга ошириши керак. Судья оммавий маърузалар билан чиқиши, мақола ва китоблар ёзиши, илмий анжуман ва конференцияларда, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш, суд тизими ва одил судловни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Ва ниҳоят, бешинчи тамойил — **судьянинг хизматдан ташқари вақтда оила аъзолари ва қариндошлари билан муносабатда ҳамда турмушдаги одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш хулқ-атвор қоидалари.**

Судья хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган чекловлар доирасидан четга чиқадиган ҳамда суднинг обрўсига салбий таъсир кўрсатишга олиб келиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланмаслиги керак.

Айниқса, судья бевосита ўзи ёки ишончли шахслар орқали тадбиркор-

лик фаолияти билан шу-
гулланишга, жумладан,
тижорат ташкилотини бо-
шқаришда иштирок этиш-
га ҳақли эмас. Шунинг-
дек, тижорат ташкилотла-
рининг устав фондлари-
даги улуш, уларни бош-
қаришда иштирок этиш
ҳуқуқини берадиган қим-
матли қоғозлар ҳадя
қилинган ёки мерос
бўйича олинган ҳоллар-
да судья уларни бошқа-
ларнинг эгаллигига ўтка-
зиш чораларини кўриши
зарур.

Турмушда одоб-ахлоқ
меъёрларига риоя этиш
судья хулқ-атворининг
таркибий қисми ҳисобла-
нади. Шундай экан, су-
дья ўзининг ташқи кўри-
ниши сиполиги ва од-
дийлиги билан ажралиб
туриши лозим. Судья
эътиборни ҳаддан ташқ-
ари жалб этадиган дара-
жада кийинмаслиги, та-
қинчоқ ва бошқа безак-
лардан, айниқса, ўз хиз-
мат вазифаларини бажар-
иш вақтида фойдалан-
маслиги керак.

Айниқса, ўз оила аъзо-
лари, суд тизими ходим-
ларининг одоб-ахлоқ
меъёрларига риоя этиши-
ни назорат қилиши, би-
рон-бир шахсга нисбатан
судьянинг обрўсига зарар
етказиши мумкин бўлган
хатти-ҳаракат ёки қўпол
муомалада бўлишга йўл
қўймаслиги шарт.

Судья ўз оила аъзола-
ри, қариндошлари ва
бошқа шахслар томонидан
унинг одил судловни
амалга ошириш билан
боғлиқ ҳаракатларига, шу-

нингдек, суд ҳужжатлари-
ни қабул қилишига таъсир
кўрсатилишига йўл қўй-
маслиги лозим.

Шунингдек, судья ад-
вокатлар ва суд процес-
сининг бошқа иштирок-
чилари билан шахсий
муносабатларида унинг
холислиги, мустақиллиги
ва беғаразлигини шубҳа
остиға қўядиган, бирон-
бир афзаллик ва ноҳо-
лис муносабат мавжуд
деган тасаввур ҳосил
қилишга олиб келадиган
ҳолатлардан ўзини тий-
иши шарт.

Хулоса қилиб айтган-
да, судьялар касбий фа-
олиятда ҳам, хизматдан
ташқари вақтда ҳам маж-
бурий одоб-ахлоқ қоида-
ларига, жамиятда ўрна-
тилган хулқ-атворнинг,
шунингдек, халқаро
ҳуқуқнинг умумэтироф
этилган умумий тамойил-
ларига қатъий амал
қилишлари, ҳар қандай
вазиятда ҳам ўз шаъни,
қадр-қимматини сақла-
ши, ҳеч кимга нисбатан
қўпол муомалада бўлмас-
лиги, ҳамиша камтар,
хушмуомала бўлиши, ай-
ниқса, одил судловни
амалга оширишда унинг
холислигига, мустақилли-
ги ва беғаразлигига шу-
бҳа туғдириши, судьянинг
шаъни, қадр-қимматига
ва ишчанлик обрўси
ҳамда суднинг нуфузига
путур етказиши мумкин
бўлган ҳар қандай хатти-
ҳаракатлардан ўзларини
тийиши, ҳукм чиқариш ва
қарор қабул қилишда
қонунга ва ўз ички ишон-
чига таяниши шарт.

Muloqot

**Яқинда истеъмол креди-
ти асосида уй-рўзғор бу-
юмлари сотиб олган эдим.
Айтинг-чи, мен улардан би-
рортасини қайтариб бери-
шим ёки бошқа буюмга ал-
маштиришим мумкинми?**

**Юсуф ХУДОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти**

— Ҳа, мумкин. Амалдаги
"Истеъмол кредити тўғриси-
да"ги қонуннинг 12-моддаси-
да шартномани ўзгартириш
ва бекор қилиш тартиби кўр-
сатилган бўлиб, унга кўра,
шартнома шартлари, агар
қонун ҳужжатларида бошқача
қоида назарда тутилган бўл-
маса, тарафларнинг келишу-
вига мувофиқ ўзгартирили-
ши мумкин.

Тегишли даражада сифат-
ли бўлмаган товар (иш, хиз-
мат) сотиб олинган ва уни си-
фати тегишли даражада
бўлган бошқа шунга ўхшаш
товарга (ишга, хизматга) ал-
маштириш имконияти бўлма-
ган тақдирда, шартнома ис-
теъмол кредити берган таш-
килот шартномани бекор
қилиш ҳақида ёзма равишда
хабардор этилган кундан
эътиборан бир ой ичида ис-
теъмолчи томонидан бекор
қилиниши мумкин.

Истеъмолчи фойдаланил-
маган молиявий истеъмол
кредитдан воз кечиш ҳақи-
да молиявий истеъмол кре-
дита берган ташкилотни
шартнома тузилган кундан
эътиборан икки ҳафта ичида
ёзма равишда хабардор
этиш орқали мазкур кредит-
дан воз кечишга ҳақли.

Истеъмолчи шартнома ту-
зилган кундан эътиборан бир
ой ичида истеъмол кредити-
дан фойдаланмаган тақдир-
да, истеъмол кредити берган
ташкилот шартномани бекор
қилиш ҳақида истеъмолчини
ёзма равишда хабардор
этиш орқали шартномани
бир томонлама тартибда бе-
кор қилишга ҳақли.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Даъво муддати нотўғри қўлланганлиги сабабли кассация инстанцияси ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Даъвогар Б.Примов жавобгар Ш.Примов ва бошқаларга нисбатан асосий ва қўшимча даъво аризалари билан судга мурожаат қилиб, Халқ депутатлари Н. шаҳар совети ижроия қўмитасининг 1991 йил 24 октябрдаги қарорини, 2011 йил 12 сентябрдаги кадастр хужжатларини ва 2011 йил 6 декабрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиб, низоли уйни ўзининг мулки деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2014 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарори билан Б.Примовнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, Халқ депутатлари Н. шаҳар совети ижроия қўмитасининг 1991 йил 24 октябрдаги қарори, 2011 йил 6 декабрдаги олди-сотди шартномаси, 2011 йил 5 сентябрдаги Ш.Примов ва 2011 йил 21 декабрдаги Б.Раҳмонбердиев номига тайёрланган кадастр хужжатлари ҳақиқий эмас, деб топилган ва Ш.Примов ҳисобидан Б.Бердиев фойдасига шартнома бўйича тўланган 5.000.000 сўмни ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 22 апрелдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Н. шаҳар ижроия қўмитасининг 1980 йил 14 мартдаги қарори билан Б.Примовга 0,045 га ер майдони ажратилган.

Б.Примов 1980-1982 йилларда шу ер майдонида уй-жой қуриб, 1991 йил октябрда оиласи билан яшаб келган ва

мазкур уйни укаси Ш.Примовга вақтинчалик яшаб туриш учун бериб, янги уйига кўчиб ўтган.

Ш.Примовнинг 1991 йил 8 октябрда Н. шаҳар ижроия қўмитасига ёзган аризаси мавжуд бўлиб, унда яшаб турган уй-жойининг хужжатлари йўқолиб қолганлиги сабабли янгидан хужжатлаштириб беришни сўраган.

Ш.Примов суд жараёнида ҳақиқатан ҳам, шу мазмунда ариза бериш орқали уй-жойни ўзининг номига расмийлаштириб олганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Шундан кейин Халқ депутатлари Н. шаҳар совети ижроия қўмитасининг 1991 йил 24 октябрдаги қарори билан шаҳар ижроия қўмитасининг 1980 йил 14 мартдаги қарори Б.Примов ажратилган ер майдонига уй-жой қурмаганлиги сабабли бекор қилинган ва низоли 52-уй Ш.Примовнинг шахсий мулки деб эътироф этилган.

Низоли уй-жой 1991 йил 23 октябрда Ш.Примов номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ш.Примов низоли уй-жойни 2011 йил 6 декабрда Н. шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Б.Бердиевга сотган.

Кассация инстанцияси даъвогарнинг талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишда, Фуқаролик кодексининг 150-моддаси талабларига биноан даъво муддати ўтганлигини, яъни Ш.Примов 2008 йилдан бошлаб уй сотилиши ҳақида эълон ёзиб қўйганлигини, бундан Б.Примовнинг хабари бўлганлигини ва эътироз билдирмаганлигини асос қилиб олган.

Б.Примов низоли уйни Ш.Примов ўзининг номига расмийлаштириб, 2011 йил декабр ойида Б.Раҳмонбердиевга

сотганини 2012 йил январь-февраль ой-ларида билганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Бундан ташқари иш ҳолатларидан кўринишича, низоли уйни Б.Примов ўзига ер ажратиб берилганидан кейин, яъни 1980 йилларда қуриб, шу уйда оиласи билан яшаган бўлса-да, Н. шаҳар ижроия кўмитасининг 1991 йил 24 октябрдаги қарори билан мазкур ер майдонига Б.Примов томонидан уй-жой қурилмаганлигини асос қилиб, унга ер майдони ажратиш ҳақида 1980 йил 14 мартдаги қарори ноқонуний равишда бекор қилинган.

1991 йил 24 октябрдаги ушбу қарор икки банддан иборат бўлиб, биринчи бандида 1980 йил 14 мартдаги қарори билан Б.Примовга ажратилган ер майдонига уй-жой қурилмаганлиги сабабли, ушбу қарор бекор қилинганлиги кўрсатилган бўлса, иккинчи бандида эса, худди шу ер майдонига Б.Примов томонидан қурилган уй-жой Ш.Примовнинг шахсий мулки деб топилган.

Судда ҳокимлик вакили даъвои тан олиб, Жиззах шаҳар ижроия кўмитасининг 1980 йил 14 мартдаги қарори билан Б.Примовга 0,045 га ер майдони ажратилганлигини, шаҳар совети ижроия кўмитасининг 1991 йил 24 октябрдаги қарори билан мазкур қарор Б.Примовнинг ўзига ажратилган ер майдонига уй қурмаганлигини асос қилиб, бекор қилинганлигини ва мазкур ер майдонига қурилган уй Ш.Примовнинг шахсий мулки деб тан олинганлигини, аслида ер майдонига уй-жой қурилмаган тақдирда ер майдони захирага қайтарилиши лозимлигини, бироқ бу ер майдонида Б.Примов томонидан уй-жой қурилганлигини, 1991 йил 24 октябрдаги қарор қонун талабига зид равишда чиқарилганлигини билдирган.

Юқорида келтирилганлардан 1991 йил 24 октябрдаги қарор қонун талабига ва Б.Примовнинг манфаатларига зид равишда чиқарилганлиги кўринади.

Биринчи инстанция суди ишнинг барча ҳолатларини батафсил текширган ҳолда қонуний тўхтамга келган бўлса-да, кассация инстанцияси биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиш ва даъвои рад этиш ҳақида ноқонуний хулосага келган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 31 мартдаги ажрими билан мазкур иш юзасидан қабул қилинган вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 22 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг 2014 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

6-57-15-сонли ажрим

Фуқаролик кодексининг 112-моддаси талаби нотўғри қўлланилиб, битимдаги иккинчи тараф битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортмаган бўлса-да, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб топганлиги сабабли суд қарори бекор қилиниб, даъво рад этилди.

Даъвогар Б.Бекова жавобгар М.Соиповага нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 2011 йил январда М.Соиповадан оғзаки келишувга асосан уй сотиб олиб, келишилган пулни берганлигини, у бу ҳақда тилхат ёзиб берганлигига қарамасдан, М.Соипова уйни унинг номига расмийлаштириб беришдан бош тортиб келаётганлигини баён қилиб, олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2014 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Б.Бекова билан М.Соипова ўртасида уй олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг

2014 йил 2 сентябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгартирилиб, М.Соиповадан Б.Бекова фойдасига 39.795 сўм, давлат фойдасига 60.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган, суд қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, М.Соипова ўзига тегишли уйни Б.Бековага 11.500 АҚШ долларига сотганлиги ҳақида 2011 йил 21 январда тилхат ёзиб берган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Муқаддам Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 4 августдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 27 мартдаги ажрими бекор қилиниб, янгидан кўриш учун юборилган бўлиб, унда судда М.Соипова ўзига тегишли уйни Б.Бековага сотганлигини тан олган бўлса-да, суд мазкур олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштиришдан бош тортганлиги сабабларини ёки уни расмийлаштириш учун тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатларни аниқлаши лозимлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси эса, тарафлар ўртасида мазкур битим бўйича ҳеч қандай низо йўқлигини, яъни М.Соипованинг Б.Бековага уйни сотганлигини тан олганлигини, фақат уни ўз вақтида расмийлаштириб бера олмаганлигини аниқлаган бир пайтда, битимни ҳақиқий деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

М.Соипова судда ҳақиқатан ҳам, Б.Бековага ўзига тегишли уйни сотганлиги-

ни тан олган, мазкур олди-сотди битимини нотариал тартибда расмийлаштиришдан бош тортмаган ва битимни нотариал расмийлаштириш учун ҳеч қандай тўсқинлик мавжудлиги аниқланмаган.

Иш ҳолатларидан Б.Бекова билан М.Соипова ўртасида уй-жойнинг олди-сотди битими бўйича ҳеч қандай низо йўқ, аксинча, ушбу битимни нотариал тартибда тасдиқлаш имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, М.Соипова келини И.Алиевани уй-жойдан чиқариш мақсадида олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилганлиги кўринади.

Б.Бекова билан М.Соипова олди-сотди битимини расмийлаштириш учун тегишли нотариал идорага мурожаат қилишлари лозим бўлган бир пайтда, судга битимни ҳақиқий деб топиш ҳақида асоссиз даъво талаби билан мурожаат қилганлигига судлар эътибор қаратмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 31 мартдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

6-77-15-сонли ажрим

Биргаликдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасаруф этилмаганлиги эътиборга олинмасдан, суд томонидан моддий қонун нормаларига зид равишда битим ҳақиқий деб топилгани боис суд қарорлари бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Даъвогар Ф.Боева жавобгар А.Саримовга нисбатан уйдан чиқариш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 45-хонадон отаси Ж.Боевга тегишли эканлигини ва шу уйда ўзлари

рўйхатда туришлари, отаси жавобгар А.Саримовга уйни сотмаганлиги, аксинча, ижарага берганлигини, унга уйни бўшатиб бериш ҳақида бир неча марта айтганлигини баён қилиб, А.Саримовни оила аъзолари билан уйдан кўчириб чиқаришни сўраган.

Жавобгар А.Саримов судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2006 йилда низоли 45-хонадонни Ж.Боевдан оғзаки келишув асосида 1.100.000 сўмга сотиб олганлигини, 1.000.000 сўмни гувоҳлар иштирокида берганлигини, қолган 100.000 сўмни хонадонни расмийлаштириш вақтида беришга келишганлигини, 2006 йилдан буён шу уйда яшаб коммунал тўловларни тўлаб келаётганлигини баён қилиб, Ж.Боев билан ўрталарида низоли хонадон бўйича тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2014 йил 21 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Ф.Боевнинг А.Саримовга нисбатан уйдан чиқариш ҳақидаги даъво талаби рад этилган.

А.Саримовнинг жавобгар Ж.Боевга нисбатан турар жойнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаби қаноатлантирилиб, Ж.Боев ва А.Саримов ўртасида тузилган уй олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган ва А.Саримовдан Ж.Боев фойдасига 100.000 сўм ундириш белгиланган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 9 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгартирилиб, низоли хонадон юзасидан Ж.Боев ва А.Саримов ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси низоли уйнинг 1/5 қисмига нисбатан ҳақиқий деб топилган, шу инстанциянинг 2014 йил 9 октябрдаги ажрими билан уйнинг 1/5 қисмига нисбатан деган жумлага, 1/6 қисмига деб тузатиш киритилган.

Аниқланишича, низоли хонадон Ж.Боев номига хусусийлаштирилган ва бу ҳақда

унга 2003 йил 15 мартда давлат ордери берилган, бу хонадонда унинг турмуш ўртоғи Х.Боева ва икки нафар фарзандлари рўйхатдан ўтиб, яшаб келишган.

Ж.Боев низоли хонадонни 2006 йил А.Саримовга 1.100.000 сўмга сотиб, шундан 1.000.000 сўмни олиб, қолган 100.000 сўм миқдоридаги пулни уйни тегишли тартибда расмийлаштириб берганидан кейин бериши тўғрисида тилхат ёзиб берган.

Ж.Боев 2014 йил 18 сентябрда вафот этган.

Апелляция инстанцияси низоли хонадон Ж.Боевнинг номига хусусийлаштирилганлигини ва ушбу хонадонда унинг турмуш ўртоғи билан яна 4 нафар фарзандлари рўйхатда туриб яшашини инobatга олиб, "Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига биноан хонадонни сотиш ёки ижарага беришда уларнинг розилиги олиниши лозимлигини таъкидлаб, Ж.Боев билан А.Саримовлар ўртасида оғзаки тузилган олди-сотди шартномасини мазкур низоли уйнинг 1/6 қисмига нисбатан ҳақиқий деб топиб хатоликка йўл қўйган.

Уй-жой кодексининг 32-моддаси 7-қисмига кўра, хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага, арендага бериш учун квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва квартира ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши керак.

Фуқаролик кодексининг 225-моддасига кўра, биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишдан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Аниқланишича, низоли хонадон Ж.Боевнинг номига хусусийлаштирилган, хусусийлаштириш жараёнида унинг оила

аъзолари, яъни турмуш ўртоғи ва тўрт нафар фарзанди ҳам шу уйда рўйхатда туриб яшаб келган. Ж.Боев уйни сотишда уларнинг розилигини олмаган, яъни тилхатда уларнинг имзоси мавжуд эмас.

Мазкур хонадон кўп қаватли уйда жойлашган бўлиб, 3 хонадан иборат, умумий майдони 70,72 кв.метрни ташкил қилиб, уни натура шаклида 1/6 қисмига бўлишнинг имконияти мавжуд эмас.

Апелляция инстанцияси ушбу хонадоннинг 1/6 қисмини Ж.Боевга тегишли деб топиб ва ушбу қисми бўйича олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақида ноқонуний хулосага келган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 17 мартдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогар Ф.Боевнинг даъво талаби қаноатлантирилган ва А.Саримовни оила аъзолари билан низоли хонадондан чиқариш, А.Саримовнинг қарши даъво талабини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

6-75-15-сонли ажрим

Суд қарори қонуний асослантирилмаганлиги сабабли бекор қилинди.

Даъвогар туман прокурори М.Юлчиева манфаатини кўзлаб жавобгар М.Алиевга нисбатан маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, М.Алиев ўзининг "Нексия" русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12.1 банди талабларини қўпол равишда бузиб, 1994 йил 21 сентябрда туғилган Ф.Юлчиевани автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, унга ўртача оғир тан жароҳати етказганлиги сабабли унга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши суд ажрими билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан, яъни тарафлар

ярашганлиги муносабати билан жиноят иши тугатилганлигини, лекин жабрланувчи Ф.Юлчиевнинг соғлиғи яхши эмаслигини, ҳозирги кунда ревматоид артрит касаллиги билан "Д" назоратда туришини, ҳар йили амбулатор ва стационар тартибда даволанаётганлигини баён қилиб, жавобгардан Ф.Юлчиевнинг онаси М.Юлчиева фойдасига 15.000.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 25 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, Ф.Юлчиева фойдасига М.Алиевдан 3.000.000 сўм миқдорида маънавий зарарни ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 28 августдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд даъвони қисман қаноатлантиришда шифохона ревматология бўлимининг 2014 йил 18 февралдаги 259/71-сонли тиббий картасининг кўчирмасида, Ф.Юлчиевнинг ревматоид артрит туфайли "Д" назоратда туриши ва ҳар йили амбулатор ва стационар даволаниши кўрсатилганлигини асос қилиб олган.

Суд Ф.Юлчиевнинг соғлиғи юзасидан суд тиббий экспертизаси тайинламаган ва ревматоид артрит касаллиги мавжудлиги ҳамда шу туфайли "Д" назоратда туриши, унинг соғлиғи яхшиланмаганлиги йўл транспорт ходисаси туфайли олган тан жароҳатига боғлиқ ёки йўқлиги ҳолатига ойдинлик киритмасдан иш бўйича барвақт, қонуний асослантирилмаган тўхтамга келган.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 17 мартдаги ажрими билан вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 28 августдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилди.

6-59-15-сонли ажрим

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Дастанлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 30 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2013 йил 19 декабрдаги ажримига кўра, Р.га нисбатан Жиноят кодекси 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан юритилган жиноят иши 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан тугатилган.

Суднинг ажримига кўра, дастанлабки тергов органи томонидан Р. 2013 йил август ойининг охирида келгусида фойдаланиш мақсадида, ўзига тегишли бўлган "Дамас" русумли автомашинага ўрнатилган газ баллонининг сифатини белгилаб берувчи, 2010 йил 2 август куни рўйхатга олинган UZ SMT 01.047.1355998 рақамли сертификатга қасддан сохта ёзувлар киритиб, қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб келганликда айбланган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида терговчи, прокурор ва суд иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ дастанлабки тергов органи қайд этилган қонун талабларига риоя этмаган.

Р. дастанлабки терговда, 2012 йил 1 май куни "Дамас" русумли автомашинасига "Ахмедов А" фирмасига тегишли махсус устахонада газ балони ва ускуналарни ўрнатгани, фирма томонидан берилган газ балони сертификати, тўловнома, далолатнома ва бошқа ҳужжатларни вилоят ИИБ ЙХХБ РИБ қабулхонасига топширгани, ЙХХБ ходимлари автомашинасини кўриқдан ўтказиб, автомашина сиқилган газга қайта жиҳозланганини расмийлаштириб, техпаспортига муҳр босиб беришгани, 2013 йил августда газ қуйиш шохобчаларида автомашиналарга ўрнатилган газ балонлари

синовдан ўтганлиги ҳақидаги далолатнома ва сертификатини сўраш бошлангани, бироқ у сертификатни ЙХХБ РИБга топширгани, шу сабабли "Ахмедов А" фирмасига бориб, қабулхонадаги стол устида турган бланка шаклидаги тўлдирилмаган 1244731 рақамли 65 литр ҳажмга эга Корея давлатида ишлаб чиқарилган газ балони учун тайёрланган сертификатни олиб, ундаги тўрт бурчак штамп ичига автомашинасига ўрнатилган газ балоннинг 3629 рақамини ёзиб, яроқлилик муддати 2010 йилдан 2025 йилгача бўлганлиги боис 2010-2025 ёзувларини киритиб, штампни қуйи қисмига имзо қўйиб, олиб кетгани ҳақида кўрсатма берган.

Жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, Р.га тегишли "Дамас" русумли автомашинага 2012 йил 30 апрель куни "TEMUR-A" хусусий фирмаси томонидан «ДД-3629» рақамли газ балони ўрнатилиб, 3290 рақамли чипта билан 10.000 сўм қабул қилинган бўлса-да, бироқ "Ахмедов А" хусусий фирмаси томонидан автомашинага газ балон ўрнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ РИБ томонидан 2011 йил 18 ноябрда берилган ААС № 2645842 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасида, "Дамас" русумли автомашина Р.га тегишли эканлиги қайд этилиб, автомашина 2012 йил 1 май куни техник кўриқдан ўтказилгани ҳамда "сиқилган газга қайта жиҳозлангани" тўғрисида белги қўйилиб, муҳр босилган.

Тергов органи Р.нинг автомашинасига ўрнатилган газ балони сертификати нусхасини бериш ҳақида вилоят ИИБ ЙХХБга топшириқ хати юборган бўлса-да, унинг жавобини олиб, иш ҳужжатларига қўшиб қўймаган. Газ балони сертификати нусхаси терговга тақдим қилинмаган бўлса-да, мазкур ҳолатга ИИБ ЙХХБ масъул ходимларини сўроқ қилиш орқали аниқлик киритилмаган.

Бундан ташқари Р.нинг автомашинасига ўрнатилган газ балони Корея давлатида ишлаб чиқарилган бўлиб, дастанлабки тергов органи ушбу газ балонининг Ўзбекистонга олиб кирилиши ҳолатлари қонунийлиги ҳамда газ балони аслида қайси

фирмага мансублигини текширмаган.

Жиноят иши бўйича ўтказилган 2013 йил 13 ноябрдаги экспертиза хулосасига кўра, тақдим этилган "мувофиқлик сертификати" ксеронусхасини тадқиқ қилишнинг имкони йўқлиги қайд этилган.

Шундай ҳолатда дастлабки тергов органи Р. томонидан тақдим этилган сертификат нусхаси 2010 йилда Кореяда ишлаб чиқарилган газ балонига тегишлилигига, сертификатда газ балонини ўрнатган фирманинг тамғаси ва муҳри йўқ бўлсада, уни қай тарзда расмий ҳужжат ҳисобланишига аниқлик киритмаган.

Дастлабки тергов органи моддий ва процессуал қонунчилик талабларига риоя этмасдан, қайд этилган ҳолатлар бўйича юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этмай туриб, ишга бир томонлама ёндошиб, Р.нинг мақсади нимага қаратилганини, расмий ҳужжатнинг қалбакилиги нимадан иборат эканлигини текширмасдан, уни расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатни қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб келганликда айблаш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ўз навбатида, суд ҳам юқорида кўрсатилган хато ва камчиликларга эътибор қаратмаган.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов даврида йўл қўйилган хато ва камчиликларни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 8 январдаги ажрими билан Р.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Назорат иши № 5-32-15

Транспорт воситаси асоссиз равишда жиноят қуроли деб эътироф этилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 27 августдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Амударё туман судининг 2014 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, Т. Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят қуроли деб эътироф этилган Я.га тегишли "BMW-252-I" русумли автомашина давлат эгалигига ўтказилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. шу иш бўйича судланганлар М. ва Ю. билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, Ф.дан сотиб олган 15 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасидан 0,47 граммни ажратиб олиб, 2014 йил 18 январь куни соат 17 ларда Беруний туманидаги 1 сентябрь кўчасида ўзининг бошқарувидаги "BMW-252-I" русумли автомашинада М. ва Ю. билан чекиш орқали истеъмол қилаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланган. 14,53 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинди, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги **"Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарори 10-бандида, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг боғхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкинлиги, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан фақат улов сифатида эмас, балки қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарурлиги (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса) ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, Т. фуқаро Я.га тегишли автомашинани жиноят содир этиш учун мослаштирмаган, автомашина салонини кўриш имкониятини камайтириш ёки кўриш имкониятини бермаслик мақсадига махсус жиҳозламаган ҳамда жиноят содир этишни осонлаштириш учун автомашинадан қурол сифатида фойдаланмаган.

Жиноят ишидаги ашёвий далилни олиш тўғрисидаги баённома, терговчининг ИИБ

бошлиғи номига ёзган билдиргисида М. ўзлари сотиб олиб, истеъмом қилганидан қолган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини курткази чўнтагидан олиб, ихтиёрий равишда ИИБ ходимларига тақдим этгани қайд этилган бўлиб, "BMW-252-I" русумли транспорт воситасини кўздан кечириш жараёнида автомашинадан жиноятга алоқадор нарса ва буюмлар топилмаган.

Биринчи инстанция суди, тергов органининг Я.га тегишли "BMW-252-I" русумли автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш ҳақидаги асослантилмаган қарорини муҳокама қилмасдан, автомашинани давлат эгалигига ўтказиб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини нотўғри талқин қилиб, Т. ва бошқалар автомашина салонига "марихуана" гиёҳвандлик воситасини истеъмом қилгани ҳамда М.нинг чўнтагидан 14,53 грам "марихуана" гиёҳвандлик воситаси олинганини асос қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолда суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримининг автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш ҳамда давлат эгалигига ўтказиш қисмини қонуний ва асосли деб бўлмаслиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 5 мартдаги ажрими билан Т.га оид суд қарорларининг "BMW-252-I" русумли автомашинани жиноят қуроли деб топиш ва давлат эгалигига ўтказиш қисми бекор қилиниб, автомашина эгаси Я.га қайтарилди, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши № 5-76-15

Судланганнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганни сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 23 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2013 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра, Ю. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и" банди билан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. 2013 йил 16 февраль куни соат 19 ларда шаръий никоҳидаги Г. билан бирга яшаб келган хона-

донда Г.нинг отаси Д. билан келиб чиққан навбатдаги оилавий жанжал вақтида, Г. иккиси яшаб келаётган хонадонга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида, маст ҳолдаги Д.ни пешона ва қорин соҳасига оёқ-қўллари билан бир неча маротаба уриб-тепади сўнг ошхона пичоғи билан чап кўкрак ва қорин қисмига икки маротаба уриб, таъмагирлик ниятида Д.ни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" - ги қарори ўн тўртинчи бандида, айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгаллик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу қабилардан) қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириши таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "и" банди билан) квалификация қилиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ суд томонидан юқоридаги ҳолда ушбу Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ю. турмуш ўртоғи Г. билан қайнонаси Л.га тегишли хонадонда яшаб келган.

Турар жой Д.нинг эгалигида бўлмагани сабабли, унинг ўлими Ю.га мазкур хонадонни ўзининг ёки бошқа шахснинг эгалигига олиш ёки эгаликка ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритишга шароит яратмаслиги, Д.нинг ўлдирилиши Ю.нинг оилавий муносабатлари яхшиланишига ва хонадонда яшаш ҳуқуқини келтириб чиқармаслигига эътибор қаратилмасдан, унинг ҳаракати таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 12 мартдаги ажрими билан Ю.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и" бандидан ушбу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, унга 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши № 5-52-15

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати қарорлари билан қуйидаги судьяларга малака даражалари берилди

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Давлатов Фолибжон Сайитжонович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг раиси	27.01.2015 йил 3 малака даражаси
2	Балтаев Хушнуд Рахимович	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Богот туманлараро судининг раиси	27.01.2015 йил 3 малака даражаси
3	Сафоева Садоқат Мусоевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 3 малака даражаси
4	Тангабаев Рустам Абдуганиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 4 малака даражаси
5	Жалилов Акмал Алимджанович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 4 малака даражаси
6	Назыров Бахтиёр Примкулович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 4 малака даражаси
7	Мухамеджанов Козимжон Фазилджанович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туман судининг раиси	27.01.2015 йил 4 малака даражаси
8	Расулов Жаҳонгир Акрамович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 4 малака даражаси
9	Эргашева Хилола Рихсибаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 5 малака даражаси
10	Михлиев Сайдулла Ҳасанович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 5 малака даражаси
11	Зулунов Санжарбек Сабирджанович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	27.01.2015 йил 5 малака даражаси
12	Дадахонова Дурдона Абдукахаровна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси	27.01.2015 йил 5 малака даражаси
13	Хомидов Анвар Дониёрович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Зафаробод туман судининг раиси	27.01.2015 йил 5 малака даражаси
14	Абдирахманов Қудайберген Отегенович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси	26.02.2015 йил 2 малака даражаси
15	Аллаев Абдулло Садуллоевич	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Когон туман судининг раиси	26.02.2015 йил 3 малака даражаси
16	Маматов Акмалжон Ботирович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туманлараро судининг раиси	26.02.2015 йил 3 малака даражаси
17	Эшматов Дилшод Раҳмон ўғли	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар судининг раиси	26.02.2015 йил 3 малака даражаси
18	Юлдашева Махпуза Ширматовна	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туманлараро судининг раиси	26.02.2015 йил 4 малака даражаси
19	Хасанов Ойбек Алиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туманлараро судининг раиси	26.02.2015 йил 4 малака даражаси

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
20	Мамадалиев Музаффар Ибрагимович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туманлараро судининг судьяси	26.02.2015 йил 4 малака даражаси
21	Ғоппоров Аҳрор Олтинович	Жинойат ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Ғуздор туман судининг раиси	26.02.2015 йил 4 малака даражаси
22	Машарифов Ўқтамжон Зарифбаевич	Жинойат ишлари бўйича Хоразм вилояти Янгиариқ туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
23	Парманов Ақтам Эшимович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
24	Хотамов Хуршид Хотамович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент вилояти Пскент туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
25	Сиддиков Музаффаржон Иброхимович	Жинойат ишлари бўйича Андижон вилояти Балиқчи туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
26	Келдиярова Хулкар Худояровна	Жинойат ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туман судининг судьяси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
27	Норов Фазлиддин Хазратович	Жинойат ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Касби туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
28	Маликов Муҳиддин Абдихомидович	Жинойат ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
29	Нармуратов Баҳром Зиядуллаевич	Жинойат ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман судининг судьяси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
30	Арипов Махмуд Умуирович	Жинойат ишлари бўйича Бухоро вилояти Вобкент туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
31	Тошев Беҳзод Жамшидович	Жинойат ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
32	Шомуратов Илхом Ибодуллаевич	Жинойат ишлари бўйича Бухоро вилояти Қоровулбозор туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
33	Караманов Валишер Жуманазарович	Жинойат ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Олтинсой туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
34	Сувонкулов Самад Муродуллаевич	Жинойат ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
35	Бегимкулов Одилбек Нурмуродович	Жинойат ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Узун туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
36	Шадманов Шавкатжон Толкинбаевич	Жинойат ишлари бўйича Андижон вилояти Шаҳрихон туман судининг раиси	26.02.2015 йил 5 малака даражаси
37	Зиганшина Гузал Равильевна	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	17.03.2015 йил 1 малака даражаси
38	Исмайлов Раҳат Аминбаевич	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	17.03.2015 йил 2 малака даражаси
39	Хатамов Немат Турапович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси	17.03.2015 йил 1 малака даражаси
40	Қодирова Назира Аҳматовна	Жинойат ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси	17.03.2015 йил 1 малака даражаси
41	Эрназаров Азизжон Хасанович	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси	17.03.2015 йил 3 малака даражаси
42	Бобоноров Давлат Хақимович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси	17.03.2015 йил 3 малака даражаси

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
43	Джумаев Баҳодир Итолмасович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Навбаҳор туманлараро судининг раиси	17.03.2015 йил 4 малака даражаси
44	Ташев Ашурали Актамевич	Жинойт ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сайхунобод туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
45	Чўлиев Ботир Турсунович	Жинойт ишлари бўйича Сирдарё туман судининг судьяси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
46	Эргашев Жамшид Нарзиллоевич	Жинойт ишлари бўйича Навоий вилояти Навбаҳор туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
47	Аяпов Абатбай Коньсбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
48	Райимов Мақсуд Журақулович	Жинойт ишлари бўйича Жиззах вилояти Мирзачўл туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
49	Ахмедов Баҳриддин Ҳошимович	Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
50	Хомидов Шерали Сайфуллаевич	Жинойт ишлари бўйича Фарғона вилояти Олтиариқ туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
51	Худайбердиев Фарҳод Фарманович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Булунғур туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
52	Карабаев Илхом Гуломович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Нарпай туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси
53	Ауезимбетов Бегдулла Жолдасович	Қорақалпоғистон Республикаси жинойт ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг раиси	17.03.2015 йил 5 малака даражаси



Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи

унда индивидларни халқаро-ҳуқуқий
ва суд тартибида ҳимоя қилиш

Д.ПАЙЗИЕВА,
мустақил илмий тадқиқотчи

Аввало шуни қайд этиш керакки, махсус илмий адабиётларда ҳозирги замон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг уч даражаси — халқаро, минтақавий ва миллий даражалари фарқланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмлари ва халқаро ҳуқуқий базасини шакллантиришни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши, БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан боғлайдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келди. БМТнинг марказий органлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатларга эга бўлган ихтисослашган муассасалари ташкил этилди, шунингдек, кўп томонлама конвенциялар имзоланди.

1945 йил 26 июнда Сан-Франциско шаҳрида имзоланган ва шу йил 24 октябрда кучга кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми халқаро норматив тизимнинг негизи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида яна бир муҳим ҳужжат 1948 йил 10 декабрда Париж шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси¹ ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ мутахассиси Б.Э.Очилов таъкидлаганидек, "қабул қилиш усулига кўра, БМТ Бош Ассамблеясининг тавсия аҳамиятига эга резолюцияси² ҳисобланган бу ҳужжат халқаро ҳуқуқнинг ergo omnes нормасига айланди. Унинг айрим қоидалари jus cogens шаклида баён этилган".³ Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг универсаллиги ва бутун инсониятга қаратилганлиги бир қатор олимлар (Лаутерпахт, МакДугал, Чен)га Декларацияни бутун инсониятнинг Эркинликлар буюк хартияси деб номлаш (Magna Charta), унинг нормаларини эса, jus cogens хусусиятига эга деб тавсифлаш имконини берди.⁴ Б.Э.Очилов: "Умумжаҳон декларациясининг аҳамияти у инсон ҳуқуқлари соҳасида биринчи халқаро стандарт ҳисобланиши билангина эмас, балки у мазкур соҳада кодификация жараёнига ҳуқуқий замин яратгани ва инсон ҳуқуқлари концепциясининг тадрижий ривожланишига кўмаклашгани билан ҳам белгиланади"⁵, деганида, бизнингча, тўла ҳақ.

Ҳозирги замон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро тизимининг норматив базаси замирида икки халқаро пакт — "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт⁶ ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт⁷ мужассам. Декларациядан фарқли равишда, улар шартнома шаклига эга. 1966 йилда қабул қилинган ва 1976 йилда кучга кирган бу пактлар кўриб чиқиладиган соҳада ҳам қамров доираси, ҳам амал қилиш географик макони нуқтаи назаридан халқаро шартнома ҳуқуқининг анчагина кенг мажмуини ташкил қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида юқорида кўриб чиқилган асосий халқаро ҳужжатлар билан бир қаторда, айрим (соҳалар ва тоифалар бўйича) ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий асосларини белгиловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги институтлар ва механизмларни таъсис этувчи кўп сонли бошқа ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар улкан аҳамият касб этади: 1948 йилдаги "Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида"; 1960 йилдаги "Фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида"; 1951 йилдаги "Қочоқлар мақоми тўғрисида"; 1952 йилдаги "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"; 1965 йилдаги "Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"; 1968 йилдаги "Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши қўлланилмаслиги тўғрисида"; 1973 йилдаги "Апартеид жиноятларини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида"; 1978 йилдаги "Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"; 1989 йилдаги "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"; 1984 йилдаги "Қийноқлар ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши курашиши тўғрисида"ги конвенциялар.

Бундан ташқари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро-ҳуқуқий тартибда солишда Халқаро меҳнат ташки-

лоти доирасида қабул қилинган ҳужжатлар муҳим ўрин тутуди. Уларнинг орасида қуйидаги ҳужжатлар бор: "Меҳнатга мажбурлашни тақиқлаш тўғрисида"; "Меҳнатга мажбурлаш ва мажбурий меҳнат тўғрисида" (29-сон); "Меҳнатга мажбурлашни бекор қилиш тўғрисида" (105-сон); 1964 йилдаги "Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида" (122-сон); 1975 йилдаги "Ишчи-мигрантлар тўғрисида"ги (143-сон) конвенциялар.

Инсон ҳуқуқларини умумий ҳимоя қилиш принципи БМТ доирасидан ташқарида давлатлар томонидан қабул қилинган кўпгина халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Улар жумласига қуйидагилар киради: Америка инсон ҳуқуқлари конвенцияси; Америка инсон ҳуқуқлари декларацияси; Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари хартияси; Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ислом декларацияси; 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси; 1961 йилдаги Европа ижтимоий хартияси; Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳадли конвенция ва бошқалар.

Халқаро даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал ёки ташкилий-ҳуқуқий хусусияти тўғрисидаги масалага ўтаётиб, шуни қайд этиш лозимки, БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган бир қатор органлар мавжуд. Уларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин: биринчи — умумий мақсадли органлар; иккинчи — махсус, яъни фақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган органлар.

Биринчи тоифага, ҳеч шубҳасиз, БМТнинг марказий органлари: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, ЭКОСОС, Ҳомийлик бўйича кенгаш, Халқаро суд ва Котибиятни киритиш мумкин. Бу органлар ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан у ёки бу даражада шуғулландилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус органлар қаторига, энг аввало, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини (Кенгаш ташкил этилгунига қадар — Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия) киритиш лозим. У 2007 йилда ЭКОСОС

ёрдамчи органи сифатида ташкил этилган.

Кенгашнинг асосий вазифаларини қўйидагича таърифлаш мумкин:

- инсон ҳуқуқларига оид стандарт қоидалар ёки механизмларни яратиш. БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар айна шу Комиссия томонидан ишлаб чиқилган;

- инсон ҳуқуқларини такомиллаштириш. Бу мавжуд пактларни такомиллаштириш ва янги пактларни қабул қилишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги, янада самарали воситаларини кашф этишда ифодаланеди;

- инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши юзасидан чоралар кўриш. Инсон ҳуқуқларини бузишнинг кучайиши ва сурункалилиги аниқланган ҳолларда, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши фактларни текшириш, ҳисоботлар тузиш учун махсус гуруҳлар тузади.

БМТ доирасида Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссия иш олиб боради. ЭКОСОС ўзининг 1946 йил июнь ойида бўлиб ўтган иккинчи сессиясида унга маърузаларни бевосита ўзига тақдим этадиган ҳукуматлараро комиссия мақомини берган.

Комиссиялар билан бир қаторда Миллий озчиликлар камситилишининг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳамда ахборот ва матбуот эркинлиги бўйича кичик комиссиялар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ўрганиш бўйича бошқа кўмиталар ҳам бор.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яна бир муҳим орган Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Бош комиссари институти ҳисобланади. Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Бош комиссари лавозими 1951 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қочоқларни ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ечиш учун узоқ муддатли дастурларни таъминлаш мақсадида таъсис этилган⁸.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг муҳим органлар қаторига

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Бош комиссари институти ҳам киради. Бу лавозим БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йил 20 декабрь куни 48-сессияда таъсис этилган.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган институтлар орасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича марказини ҳам қайд этиб ўтиш лозим: 1982 йилдан бошлаб у БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бош механизми ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари сирасига Бош Ассамблея, унинг учинчи кўмитаси, ЭКОСОС, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, Миллий озчиликлар камситилишининг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия, Ирқий камситишларга барҳам бериш бўйича комиссия, Қийноқларга қарши кўмита ва Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитага инсон ҳуқуқлари соҳасида ёрдам кўрсатиш киради. Бундан ташқари Марказ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларнинг амалга оширилиши тўғрисида маърузалар тузади.

Ўз таркиби ва ваколатларига кўра, ўхшаш бўлган, талабларни бажаришга, яъни фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларни имплементация қилишга ёрдам бериш мақсадида тузилган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси ва БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмитаси фаолиятини тадқиқ этиш ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида универсал даражадаги халқаро назорат ҳақида анча тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради⁹.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Европа минтақавий тизимида яна бир муҳим элемент Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот (ЕХХТ) ҳисобланади. Бу минтақавий ташкилотни таъсис этиш тўғрисида қарор 1973 йил 3 июлда Хельсинки шаҳрида қабул қилинган эди. 1975 йил 1 август куни Хельсинкида ташкилот ишининг муҳим босқичини яқунланганини тасдиқловчи Яқунловчи ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳамкорлик муаммоларига кенг ўрин берилган.

1987 йилнинг феврида ЕХХТ фаолиятида муҳим воқеа юз берди: Вена шаҳрида ўтказилган Бутуневропа учрашувида 17 ғарб мамлакати инсон ҳуқуқлари ва одамлар ўртасидаги алоқалар соҳасида эришилган аҳдлашувларнинг бажарилиши устидан назорат механизмини яратиш тўғрисидаги таклифни қабул қилди.

Яқунловчи ҳужжат ўз юридик моҳиятига кўра, халқаро битим ҳисобланади, чунки иштирокчи давлатларнинг келишилган ҳукмини ифода этади. Айни вақтда у халқаро шартнома ҳисобланмайди, чунки ЕХХТ учрашувида иштирок этган давлатлар унда бирон-бир халқаро шартномани тузиш ниятида эмас эдилар.¹⁰ Бошқача қилиб айтганда, улар мазкур битимга шартнома шаклини бермасликка қарор қилдилар. Бироқ Яқунловчи ҳужжат — бу наинки маънавий-сиёсий, балки юридик кучга ҳам эга бўлган мажбурий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат.¹¹ У иштирокчи давлатларнинг барчаси томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ императив нормаларининг умумий талқинини ўзида ифодалайди. С.А.Малинин фикрига кўра, норматив ва нонорматив қоидаларнинг Яқунловчи ҳужжатда бирлаштирилиши унинг норматив юридик ҳужжат сифатида умумий тавсифини истисно қилмайди, чунки унда ҳуқуқ нормалари мавжуд.¹² Лўнда қилиб айтганда, Яқунловчи ҳужжат иштирокчи-давлатлар ҳукмини мувофиқлаштиришнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Яқунловчи ҳужжатнинг барча қоидалари ўзаро боғланган ва уларнинг ҳар бири албатта,

бошқасини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Ҳозирги вақтда ЕХХТ доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бир қатор органлар мавжуд. Биринчи навбатда, бу Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро. Қароргоҳи Варшава шаҳрида жойлашган бу орган инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократияни ривожлантириш ва қонун устуворлигини қарор топтиришга кўмаклашиш бўйича фаолият олиб боради. Миллий озчиликлар ишлари бўйича Бош комиссар миллатлараро кескинликни аниқлаш ва уни мумкин қадар тез бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазибаларини бажаради. Бош комиссар уч йил муддатга тайинланади. Қароргоҳи Гаага шаҳрида жойлашган.

Шундай қилиб, бугунги кунда халқаро даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш, айрим ҳолларда эса, ҳатто бошқа асосларга кўра, юзага келувчи низолар юзасидан қарорлар қабул қилиш механизмидан иборат яхлит тузилма вужудга келган. Мазкур норматив тизим негизини, ҳеч шубҳасиз, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билль ташкил этади. Ушбу тизимга бошқа кўп томонлама махсус шартномалар, битимлар ва конвенцияларни, минтақавий шартномалар, битимлар ва конвенцияларни ҳамда халқаро ташкилотлар ва органларнинг қарорлари ва резолюцияларини киритиш мумкин.

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека // Инт.: <http://www.un.org/russian/document/declarat/declhr.htm>.

² Резолюция 217А(III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 г. // Права человека. Собрание международных договоров. Т. 1 (часть первая). Универсальные договоры. - Нью-Йорк. - Женева: Организация Объединенных Наций, 1994. - 1-8-б.

³ Очиллов Б.Э. Конституция Республики Узбекистан и всеобщая декларация прав человека как основа защиты прав человека // Ж. Хуқуқ. Право. Law. - №3 - 2001-10-6.

⁴ International Law Association. Cairo Conference. Committee on the Enforcement of Human Rights Law. - Cairo, 1992. -P.5.

⁵ Очиллов Б.Э. Всеобщая декларация прав человека и Конституция Республики Узбекистан как основа по защите прав личности в Республике Узбекистан (вопросы соотношения и преемственности) // Ж. Конституционное право. - Алматы, 2003, -89-90-б.

⁶ Қаранг: Международный пакт о гражданских и политических правах // Инт.: <http://www.un.org/russian/document/convents/pactpol.htm>.

